БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 34 (17.614). • 10 февраль 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ИШЛАРИ

Бепоён мамлакатимиз — улкан қурилишлар майдони. Миллий даромаднинг бешдан бир қисмидан кўпроғи ҳар йили капитал қурилиш ишларига сарфланмоқда. Бу рақамнинг салмоғи бутун экономикамизнинг юксалишида намоён бўлмоқда. Партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашда барча совет кишилари сингари Ўзбекистон қурувчилари, монтажчилари, бинокорлик индустриясининг ишчи ва мутахассислари, лойиҳалаш ташкилотларининг ижодкор ходимлари катта ғайрат ва шижоат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

1979 йил ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли адо этишда муносиб из қолдирди. Ўтган йили республикамиз қурилиш ва монтаж ташкилотларининг азамат коллективлари капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, қурилиш муддатларини қисқартириш, тикланаётган объектларининг сифатини яхшилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни жадаллаштириш мусобақасида улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Умуман, ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида республикамизда олдинги беш йилликнинг шу давридагига қараганда 1,3 баравар кўп асосий фондлар ишга туширилди. Беш йиллик пландаги 18,2 миллиард сўм ўрнига 19,3 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Ўнлаб саноат корхоналари ва улкан замонавий цехлар фойдаланишга топширилди. Уй-жой қурилишида катта марралар эгалланди. Болалар муассасалари ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилишининг кўламлари янада кенгайди. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига беш йиллик пландаги 20,6 миллион квадрат метр ўрнига жами саҳни 21,1 миллион квадрат метрли уй-жой бинои қуриб тамомланди. Бунёдкорлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшяптилар 372,4 минг гектар янги суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Қарши ва Жиззах даштлари шиддат билан ўзлаштирилмоқда. Амударёнинг қуйи қисмида улкан шоликорлик зонаси барпо қилинмоқда. Сурхон-Шеробод даштининг ўзлаштирилиши ниҳоясига етказилмоқда. Андижон сув омборининг дастлабки навбати деҳқончиликка хизмат қила бошлади. Туямўйин сув омборида обиқаёт тўпланмоқда. Кўплаб чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари барпо этилмоқда.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Олмалиқ химия заводи учинчи навбати ҳамда Самарқанд олтингугурт кислотаси комплекси қурилишининг бунёдкорларига йўллаган табрикномаси республикамиз қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективларининг ғайрат-шижоатини тобора оширмоқда. Партия даъватига амалий иш билан жавоб бершга аҳд қилган Ўзбекистон бинокорлик, монтажлаш ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналарининг, лойиҳалаш ташкилотларининг коллективлари беш йиллликнинг якунловчи йилини катта зафарлар билан нишонлашга азму қарор бериб, 1980 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Ана шу мажбуриятни муҳокама қилиш жараёнида тўпланган бой тажриба, имкониятлар ва ҳаракатга келтирилиши лозим бўлган резервлар ҳисобга олинди.

Республикамиз бунёдкорлари 1980 йилги пудрат ишлари программасини 26 декабрда бажариш мажбуриятини олдилар. Енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт-сут саноати объектлари, чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қурилиши бўйича капитал маблағлар ўзлаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари плани 19 декабрда адо этилади. Энергетика, химия, металлургия, енгил, озиқ-овқат саноати объектлари қурилиши янада жадаллаштирилади. 120 минг гектар янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилади. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 5,5 миллион квадрат метр уй-жой барпо этилади. Мактаблар қурилиши йиллик плани ўқув йили бошланишигача адо этилади.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективларида олинган юксак мажбуриятларни шараф билан адо этиш учун кураш тобора авж олмоқда. Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача ўнинчи беш йиллик топшириғини бажаришга сўз берган республикамизнинг 1000 дан зиёд бригадаси қурувчилари ва монтажчилари ибрати уларнинг ҳамкасблари даврасида астойдил қўллаб-қувватланмоқда.

Беш йиллик якунловчи йилнинг марралари улкан. Улар ҳар қанча мураккаб бўлмасин, албатта адо этилади. Қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективларининг бугунги ғайратшижоати шундан даполат бермоқда. Лекин бинокорлик ишларида катта камчиликлар бор. «Биз кўп қурмоқдамиз, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1979 йилги ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида. — Шу билан бирга капитал қурилишдаги аҳвол бизни қаноатлантирмайди. Қурилиш муддатлари кўпинча чўзиб юборилмоқда. Битказилмаган қурилишлар нормативдан анча ошиб кетмоқда. Ресурслар кўпинча биринчи навбатдаги қурилишларга етказиб берилмаяпти. Бу ўринда хатоликкa, маҳаллийчиликка йўл қўйилибгина қолмай, шу билан бирга бориб турган ўзбилармонлик ҳам қилинмоқда».

Кини кеча бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активининг йиғилишида сўзга чиққан қурувчилар ва монтажчиларнинг вакиллари бугунги долзарб вазифалар, олинган юксак мажбуриятларни бажаришга имкон берадиган резервлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳақида кенг маслаҳатлашиб олдилар. Қурилишда иш самарадорлигини ва сифатини ошириш имкониятларидан мукаммал фойдаланилаётгани йўқ. Асосий вазифа — барча ресурсларни муҳим объектларга кўпроқ жамлашдан, ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатидан юксак сифатли қилиб тайёрлашдан, асбоб-ускуналарни ўз вақтида етказиб бершга эришишдан, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш сифатини янада яхшилашдан, объектларни ишлатувчи малакали кадрлар тайёрлашга талабчанликни оширишдан иборат.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари қурилиш муддатларини қисқартиришда бинокорлик ташкилотларига яқиндан ёрдам бершлари зарур. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрларнинг жавобгарлигини ошириш, илғорлар тажрибасини ва прогрессив технологияни жорий этишни тезлаштиришда қурилиш-монтаж ташкилотлари партия ташкилотларининг ролини яна ҳам ошириш лозим.

Улкан марраларни эгаллашга қаттиқ бел боғлаган республикамиз қурувчилари, монтажчилари ростовликларнинг «Муддатидан илгари қурамиз — муддатидан илгари ўзлаштирамиз!» деган даъватини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Ана шу шонли ҳаракат 1980 йилга планлаштирилган барча объектлар ва қувватларни кўзда тутилган муддатларда сифатли қилиб фойдаланишга топширишга ёрдам беради. Мусобақа давомида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишини жадаллаштиришга даъват этувчи янгидан-янги ташаббуслар юзага келмоқда. Бинокорлик ташкилотларининг раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлашлари ва кенг ёйишлари керак.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли шоликорлик совхози меҳнат аҳли бригада бошлиғи М. Собировни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Мана ўн беш йилдирки М. Собиров коллективга етанчи. Хўжалиқда бўлгани сингари бу коллектив ҳам йил сайин ҳосилдорлиги оширмоқда. Утган йили 140 гектар ернинг ҳар гектаридан 76 центнердан ҳосил олинган эди. Бригада аъзолари бу йил 80 центнерлик маррани мўлжаллашмоқда. Суратда: бригада бошлиғи М. Собиров (чапда) механизаторлар О. Рўзметов ва Қ. Зарипов билан техника сифатини кўздан кечирмоқда.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

САНОАТИМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулотнинг юксак сифати учун курашайлик

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг маълум қилишича, республика саноати маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1980 йилнинг январь ойи планини 101,6 процент бажарди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1979 йил январь ойидагига нисбатан 4,9 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 0,3 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати маҳсулотни реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 1980 йил январь ойи планини қуйидагича бажардилар:

	Планнинг бажарилиши (процент ҳисобида). маҳсулотни реализация қилиш	ишлаб чиқариш ҳажми	1980 йил январь ойида ишлаб чиқариш ҳажмининг 1979 йил январига нисбатан ўсиш суръати (процент ҳисобида)
Ўзбекистон ССР	101,6	100,8	104,9
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон АССР	100,7	101,4	123,0
Андижон области	101,2	101,4	108,8
Бухоро области	101,1	99,8	105,8
Жиззах области	103,9	98,5	111,0
Қашқадарё области	102,1	101,0	114,6
Наманган области	102,4	100,8	100,9
Самарқанд области	102,9	100,9	103,5
Сурхондарё области	102,1	101,4	102,7
Сирдарё области	101,8	100,2	128,1
Тошкент области	100,9	100,6	100,0
Фарғона области	101,2	101,7	99,0
Хоразм области	100,7	96,9	111,1
Тошкент шаҳри	101,8	101,2	106,1

Газ, нефть, кўмир қазиб чиқариш, пилталаш машиналари, пахта териш машиналари, трактор сеялкалари, пайпоқ, ички кийимлар, қайноқи олинмаган сут маҳсулоти (сутга айлантириб ҳисоблаганда) тайёрлаш плани ошириб бажарилди.

Шу билан бирга айрим бирлашмалар ва корхоналар маҳсулотни реализация қилиш планини бажармадилар. Ўзбекистон металлургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Фарғона тўқимачилик комбинати, Хўжайли пахта тозалаш заводи, «Ургенчраснжмаслопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ленинскдаги нон маҳсулотлари комбинати, Шофиркон гилам тўқиш фабрикаси ва бошқа корхоналар шу жумласидандир.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари айрим коллективларнинг планни бажармаганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини пасайтириб юборганлиги сабабларини чуқур текширишлари, давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга зарур ёрдам беришлари керак.

Фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш, ҳар бир корхона 1980 йилги ва беш йиллик планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришини таъминлайдиган шароитлар яратиб бериш, меҳнаткашлар коллективларини КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш асосида корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш чораларини кўриш лозим.

ЧОРВАЧИЛИКДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

ТЕРМИЗ. 9 февраль. (ЎзТАГ). Сурхондарё илғор чорвадорларининг бугун бўлиб ўтган қурултойида чорвачиликни жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг шу муҳим тармоғи маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси Н. Т. Туропов 1979 йил якунлари ҳамда беш йиллик якунловчи йилининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққанлар областда чорвачиликни ривожлантириш, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида илгари сурилган вазифаларни бажариш юзасидан областда муайян ишлар қилинганлигини айтдилар.

Қурултой қатнашчилари эришилган муваффақиятлар ҳақида гапириб, асосий эътиборни чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш резервларига қаратдилар. Тармоқни концентрациялаш ва ихтисослашни чуқурлаштириш шу ларнинг энг муҳими ҳисобланади. Катта-катта комплекслар тузган ва ўз куч-қувватларини кооперация асосида бирлаштирувчи хўжаликларда юксак сон ва сифат кўрсаткичларига эришилганлиги таъкидланди. Шўрчи колхозлараро бўрдоқичилик хўжалиги бунга мисол бўлиб хизмат қилади. Бу ерда ҳозир қорамолнинг ўртача сутлик ўсиши юқори даражада Чорвачиликнинг тез етиладиган тармоқлари кенг ёйилмоғи кераклиги қурултойда таъкидлаб ўтилди. Масалан, «Ҳазорбоғ», «ВЛКСМ 30 йиллиги», «Сурхон», «Тоди маржон» пахтачилик совхозларида ва бошқа хўжаликларда чўчқачилик фермалари вужудга келтирилган бўлиб, улар тайёрланадиган жами гўшт ҳажмининг учдан икки қисмидан кўпроғини бермоқда.

Чорва боқиш ишларини дуруст ташкил этмаган, емхашак норациональ сарфланиши натижасида чорванинг маҳсулдорлиги паст бўлган хўжаликлар қурултойда танқид қилинди. Сўзга чиққанлар айтдиларки, чорва қишлоғини муваффақиятли ўтказиш, қўзилатиш кампаниясига яхши тайёргарлик кўриш, уни уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш керак.

Қурултойда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов нутқ сўзладилар.

Қурултой қатнашчилари беш йилликнинг якунловчи йилида чорвачилик маҳсулоти ҳамма турларини етиштиришни юксалтириш, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат билан нишонлаш кўзда тутилган тадбирларни белгиладилар.

И. Б. Усмонхўжаев тантанали вазиятда областга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини топширди. Область чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1980 йил январь ойи якунларига кўра шу байроқни олишга сазовор бўлди.

ПАХТАКОР, ЗАРБДОР ВАХТАГА!

УРГАНЧ, 9 февраль. (ЎзТАГ). Хоразм области қишлоқ хўжалиги илғорларининг 9 февраль куни Ургончда бўлиб ўтган кенгашида 1979 йилнинг якунлари ва беш йиллик якунловчи йилининг вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қаророидан келиб чиқувчи талаблар асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳамма тармоқларининг самарадорлигини янада юксалтириш йўллари белгилаб олинди. Ҳамма ички резервларни ишга солиш, пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини анча ошириш зарур. Далалардаги ҳамма қишки ишларни сифатли қилиб ўтказиш, кўкламни шай бўлиб кутиб олмоқ учун машина-ускуналарни энг яхши муддатларда ремонтдан чиқариш ва экин кампаниясини намунали даражада ўтказиш ҳозирги вақтдаги энг муҳим ишлардир.

Кенгашда чорвачиликни ривожлантириш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, ем-хашакдан рационал фойдаланиш, чорва моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш масалаларига катта эътибор берилди.

Кенгаш ишида Хоразм деҳқонлари ва чорвадорлари билан мусобақадош Қорақалпоғистон АССР ҳамда Туркманистон ССР Тошовуз области қишлоқ меҳнаткашларининг делегацияси қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари беш йилликнинг якунловчи йилига социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Давлатга камида 425 минг тонна пахта, 75 минг тонна шоли, бошқа кўп маҳсулот сотиш мўлжалланади.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов нутқ сўзладилар.

АВИАТОРЛАР БАЙРАМИ

8 февраль куни Москвада Аэрофлот кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. В. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. И. Савинкин, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошликлар, авиация техникасини яратувчилар, социалистик мусобақа илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг намояндалари президиумга чиқдилар.

Йиғилишда граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев доклад қилди.

Авиаторлар йиллик ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни бағишлаймиз, деб ваъда бердилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг инспектори ўртоқ Виктор Семёнович Багдасаровни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуотда давлат сирини сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Моисей Львович Писманикни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ А. Я. ПЕЛЬШЕ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ҳозир мамлакатнинг меҳнат маромини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг қулоч ёзган социалистик мусобақанинг кўлами, якунловчи йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш йўлидаги умумхалқ кураши белгилаб турибди. Партия режаларининг муваффақиятли равишда амалга оширилиши юксак уюшқоқлик ва интизомни талаб қилади.

Волгоград Красний Октябрь сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси Арвид Янович Пельше билан 8 февраль куни бўлиб ўтган учрашувида шу фикр таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

«Волгоградметаллургстрой» трестининг бригадири И. И. Стороженко, «Баррикада» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари А. З. Легкий, 132-мактаб муаллимаси Т. Д. Крутикова ва бошқа нотиқлар КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи тинчликсевар сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлаётганликларини, барча совет кишилари каби волгоградликлар ҳам 1980 йилни зарбдорларча, ленинча ишлаш йилига айлантиришга қарор берганликларини айтдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Красний Октябрь» металлургия заводи прокат станининг мастери А. И. Смольянинов Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўтиши тўғрисида гапириб берди.

Сўнгра йиғилиш аҳли самимий кутиб олган А. Я. Пельше нутқ сўзлади. У ўзига яна кўрсатилган юксак ишонч учун сайловчиларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб, ўз шаънига айтилган эзгу сўзлар ва тилакларни шонли Коммунистик партия, унинг улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, ҳозирги замоннинг атоқли арбоби, тинчлик учун матонатли курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитет шаънига айтилган сўзлар ва тилаклар, деб ҳисоблашини билдирди.

Нотиқ хўжалик қурилиши масалаларига тўхталиб, ўтган сайловдан кейинги даврда халқимиз коммунистик партия раҳбарлигида барча ҳал қилувчи соҳаларда анча олга силжиганини қайд этди. Бу силжишнинг нишоналари ҳар қадамда кўриниб турибди.

Халқ хўжалигининг пойдеворини ташкил этувчи асосий ишлаб чиқариш фондларининг деярли учдан бир қисми янгиланди ва эндиликда бу фондлар триллион сўмликдан ошиб кетди. Капитал қурилиш кенг кўлам касб этди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотини 1971—1975 йиллардаги ўртача йиллик даражага нисбатан ўн миллиард сўмлик миқдорда кўпайтиришни таъминладилар.

Биз экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларидаги ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо ютуқларга маҳлиё бўлиш биз, совет кишиларига хос туйғу эмас. Партия эришилган натижаларни сергаклик билан баҳолашга, бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган масалаларга, муваффақиятсизликларнинг ва рўй берган қийинчиликларнинг сабабларини аниқлашга жалб этишга ўргатади.

КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг иши, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқи чуқур илмий, танқидий анализ қилиш руҳи билан суғорилган бўлди. Халқ хўжалигининг баъзи бир муҳим соҳаларини ривожлантиришдаги камчиликлар партиявий принципиаллик билан очиб ташланди.

Планлаштиришни яхшилаш ва бутун халқ хўжалиги механизмини такомиллаштириш тадбирлари белгиланиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда, давлат интизомини янада мустаҳкамламай туриб, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширмай туриб, бу тадбирларни бажариш мумкин эмас, албатта, деб уқтирди депутатликка номзод. Ҳўжасизлик, исрофгарчилик, маҳкамачилик, ва маҳаллийчилик кўринишларини бартараф этиш, экономикани ривожлантиришдаги номутаносибликни, шунингдек халқ истеъмол қиладиган бир қанча молларнинг етишмаслигини тугатиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

Бутун диққат-эътиборни сифат томонга, меҳнат унумдорлигини ошириш, пировард натижаларга эришиш томонга чинакамига буриб юбориш, корхоналар билан шартномали ўзаро мусобатларда тартиб ўрнатиш, иқтисодий тежашга муттасил ва изчиллик билан амал қилиш, ҳўжаликсизликка, исрофгарчиликка, пухта ўйламай қабул қилинадиган ва давлатга катта зарар етказадиган қарорларга жуда қатъият билан барҳам бериш муҳимдир, деб таъкидлади нотиқ.

Ҳозирги вақтда, деди у, ҳар бир совет кишисининг теварак-атрофда содир бўлаётган ҳамма воқеалар учун, ўз шахсий меҳнатининг натижалари учун ва коллективнинг умумий меҳнат ҳиссаси учун, корхона, шаҳар, район, область ўз планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариши учун масъулиятни янада юқори кўтарилмоқда. Давлат ишларида, жамоат ишларида обителларга хос пассивлик совет гражданига ёт бир нарсадир. Ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланиш ва вазифаларни бажариш учун сабот билан ўқиб-ўрганиш, кураш методларини, контрол ва танқид қилиш методларини эгаллаш зарур. Фактларни қайд этиш, шу фактларни тегишли давлат, хўжалик ва партия органларига хабар қилишнинг ўзигина кифоя қилмайди, аввало хатолар ва нуқсонларни батафсил ўрганиш, уларни тугатишда қатъият билан шахсан қатнашиш — коммунистнинг, совет гражданининг бурчидир.

Давлатимизнинг асосий қонуни мансабдор шахсларнинг зиммасига гражданларнинг шикоят ва аризаларини жуда синчиклаб кўриб чиқиш, уларнинг асосий илтимослари ва талабларини ҳеч кечиктирмай ҳал этиш мажбуриятини юклайди. Бирон бир муассасада бепарволик ва бамайлихотирликка ўрин бўлмаслиги керак, бағритошлик ва даҳаллик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

А. Я. Пельше КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг «Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида қадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорнинг энг муҳим жиҳатларига муфассал тўхталди.

Нотиқ ташқи сиёсат масалалари тўғрисида гапириб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик давлатларнинг қудрати ошгани, уларнинг изчил тинчликсеварлик сиёсати туфайли 70-йилларнинг охирида ер курраси да сиёсий иқлимни соғломлаштиришда катта муваффақиятларга эришилди. Коммунистик партия, Совет давлати халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сиёсатини бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан ўтказаверадилар. Биз танлаб олган йўл қатъий йўлдир. Бу йўл изчил тинчликсеварликни агрессияга қаттиқ зарба бериш билан, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш билан, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш билан, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш билан бирга қўшиб олиб борувчи йўлдир.

(ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

«Ўзбекхиммаш» заводининг маданият саройида **70-Ленин** сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Иван Георгиевич Анисимкин** ўз сайловчилари билан учрашди. Учрашув иштирокчилари шаҳар меҳнаткашлар коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари тўғрисида гапирдилар; 24 февралда ҳаммалари коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодларига овоз бериш учун сайлов кутилари ёнига келишга ваъда бердилар.

И. Г. Анисимкин сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига унинг номзодини кўрсатган меҳнаткашлар коллективларининг вакилларига миннатдорчилик билдирди, юксак ишончни оқлайман, деб ваъда берди.

(ЎзТАГ).

БУГУН—АЭРОФЛОТ КУНИ

САМО ЛОЧИНЛАРИ

СССР граждан авиацияси — совет кишиларининг фахри ва ғурури. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати граждан авиациямизни янада тараққий эттириш учун доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Унинг мамлакат экономикасидаги роли ва аҳамияти йилдан-йилга ошмоқда. «Ҳозир, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев тюменлик авиаторларга йўллаган табрикномасида, — халқ хўжалигининг амалда биронта ҳам тармоғи йўқки, унда авиация қўлланилмасин». Ҳа, жаҳондаги биронта ҳам мамлакат йўловчилар ва юк ташиш умумий ҳажми, халқ хўжалигида авиацияни қўлланиш суръатларини ўстириш бўйича Совет Иттифоқи билан тенглашолмайди. Бизнинг Аэрофлотимиз дунёдаги авиакампаниялар орасида биринчи бўлиб жаҳон рекордини ўрнатди. 1976 йили 100 миллиондан зиёд йўловчи ташлади.

Шуниси қувончлики, серқуёш республикамиз авиаторлари ҳам бепоён мамлакатимиздаги барча касбдошлари сингари Аэрофлот кунини дуруст кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Тўрт йиллик топшириқларнинг асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунланганлиги фикримизнинг далилидир. Маълумки, бизнинг ишимизда асосий кўрсаткич — йўловчи обороти бўлиб, бу соҳадаги план 101,7 процент адо этилди. У тўққизинчи беш йилликнинг худди шу давридагидан 1,42 баравар кўп, демакдир. Ана шу тўрт йил мобайнида республикамиз аэропортларидан 17 миллиондан зиёд йўловчи, 85,4 минг тонна почта, 127,3 минг тонна халқ хўжалик юклари жўнатилди. 1979 йил 22 декабрда эса беш йилликнинг тўртинчи йили план-топшириқларини муддатидан илгари ўринлатишга эришдик.

Бу ўринда қишлоқ хўжалиги авиацияси бўлинмалари коллективларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Улар 1979 йил учун белгиланган планни анча барвақт — 5 октябрдаёқ бажарганликлари ҳақида галаба рапорти бердилар. Қишлоқ хўжалиги авиацияси самолётлари ва вертолётлари экипажлари ушбу беш йилликнинг тўрт йили ичида 21,6 миллион гектар экинзорга осмондан туриб ишлов бердилар.

Биз бундай ютуқларни бошқармамиз корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга ошириш туфайли қўлга киритдик. Жумладан, сўнгги йилларда самолётлар парки анча ўзгарди. Ил-18 самолётлари ўрнини янги, учқур, шинам, ҳар томонлама қулай Ил-62, Ту-154 ҳаво лайнерлари эгалламоқда. Улар бу йилдан бошлаб бошқармамизг қарашли самолётлар парки асосини ташкил қилади. Самолётлар парки структурасининг ўзгариши аэропортларни, учиш-қўниш майдончаларини, парвозларни бошқариш системасини янада ривожлантириш ва реконструкция қилишни, яна бир қатор бошқа чора-тадбирларни кўришни талаб қилди. Бунинг учун кейинги тўрт йил мобайнида 97,4 миллион сўм капитал маблағ сарфланди.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида Термиз, Наманган, Андижон, Жиззах, Зарафшон, Учқудуқда замонавий аэровокзал комплекслари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қўқонда янги аэровокзал қурилиши тугалланмоқда. Тўрткўл, Кўнғиротда аэровокзаллар барпо этилмоқда. Навоий шаҳрида эса уни қуриш бошлаб юборилди. Ҳозирги пайтда Нукус, Бухоро, Қарши, Фарғона шаҳарларида янги аэровокзаллар қуриш учун лойиҳалаш ишлари олиб борилянти. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўнинчи беш йиллик даврида Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида қўшимча 15 та авиакасса очилди. 10 минглаб йўловчилар «Сирена» автоматлашган системаси хизматидан баҳраманд бўлди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, авиалиниялар харитасида Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасига қарашли самолётлар қатнови йўлга қўйилган шаҳарлар сони тобора кўпайиб бораётир. Ҳозирги пайтда бошқармамиз авиаларининг узунлиги 150 минг километрдан кўпни ташкил қилади.

Юқоридаги қувонарли рақамлар замирида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, энг яхши пешқадам меҳнат коллективларининг фидокорона меҳнати мужассамлашган. Уларнинг кучғайрат сарфлаб, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашлари туфайли биз зафар устига зафар қучмоқдамиз.

Биз ўзаро социалистик мусобақада аъло натижалар кўрсатаётган касбдошларимиз билан чексиз фахрланамиз. Утган йили СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган Самарқанд авиакорхонасига қарашли АН-2 самолёти командири Г. Цховребов, СССРда хизмат кўрсатган учувчи В. Дронов, АН-2 самолётлари командирлари: нукуслик А. Шчегай ва Ю. Трофимов, бухоролик С. Халилов, сергелилик Е. Кашневич ва Б. Жўраев сингари кўплаб ҳамкасбларимиз барча соҳада ибрат бўлишмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси корхоналарида В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ватанпарварлик ҳаракати кенг авж олдириб юборилган. Юзлаб авиаходимлар ўнинчи беш йиллик топшириқларини 22 апрель — доҳий юбилейи кунигача бажаришдек қимматли ташаббус билан чиқдилар. Айни кунларда бўлинмаларнинг саккизта хизмати, 70 та самолёт экипажи, 12 та бригада ва участка, 620 нафар авиаходим ана шундай мажбурият олган ҳолда ишлаётир. Тошкент ва Сергели корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин 110 йиллиги юбилейи кунида барча рейсларни тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига амалга оширишга қарор қилдилар.

Гарчи хўжалик фаолиятимизда муайян ютуқларга эришган бўлсакда, ҳали кўпгина ҳал этилмаган проблемалар мавжуд. Йўловчиларга ва мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини тағин ҳам ошириш учун кўп ишлашимиз керак. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун барча имкониятларга эгамиз.

Аэрофлотни транспортда ибрат олса арзийдиган ташкилотга айлантириш — Ўзбекистондаги барча авиаходимларнинг эзгу нияти. Авиакорхоналарнинг қўмондонлик состави, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, барча шахсий составнинг бутун фикр-зикри, билим ва маҳорати, куч-ғайрати ва ташаббускорлиги ана шунга қаратилган.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси коллективлари жонажон партиямиз XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал эта бориб, ўнинчи беш йиллиги муддатидан илгари муваффақиятли якунлаш, бу билан ўн биринчи беш йиллиги дадил бошлаш учун мустаҳкам негиз яратиш, КПСС XXVI съездига актив тайёргарлик кўриш мақсадида янада ғайрат билан ишлайверади.

М. АБДУЛЛАЖОНОВ,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Суратда: «Ту-154» ҳаво кемасининг экипажи аъзолари — В. Шкурин (кема командири), Т. Хашакбоев (борт инженер), Н. Абдусаломов (штурман) ва А. Тошматов (иккинчи учувчи) ўз байрамларини катта муваффақиятлар билан кутиб олишди.

И. Глауберзон фотоси.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

МОСКВАЛИКЛАР ИЗИДАН

Қарши районидаги Беш кент шаҳрининг қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Бунда район қўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорларининг алоҳида ҳиссаси бор.

Иморатсозлар ўтган йили учта болалар боғчаси, ётоқхона, чойхона, ошхона, кўплаб турар жой биноларини фойдаланишга топширдилар. Шунингдек, райондаги «Коммунизм» колхозида қуёнхона, 200 бош қорамолга мўлжалланган молхона, 500 тонналик ўғит сақланадиган омборхона қурилиши ниҳоясига етказилди.

Бунёдкорлар асосий эътиборни тежамкорлик ва қурилиш таннархини арзонлаштиришга қаратмоқдалар. Фақат ўтган йилнинг ўзида 37 тоннадан ортиқ цемент, 62 кубометр тахта тежаб қолинди.

Кўчма колоннада участкалар, бригадалар ва қурувчилар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Мусобақа шартларининг бажарилиши ҳар ой ва квартал охирида якунланиб, пешқадамлар рағбатлантириб бориляпти. Бинокорлар «Шогирд — мураббийга тенглашсин!», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиорлари остида меҳнат қилаётирлар. Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган қурувчилар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, коммунист Э. Тилаков, шофёр Х. Турсунов, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Т. Аминов, сувоқчи Д. Ҳимматқуловлар шулар жумласидандир. Улар айни кунларда социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаётир.

Бинокорлар москвалик ишлаб чиқариш илғорларидан ибрат олиб, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш ва қурилишда сифат ҳамда самарадорликка эришиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда.

П. ТЎЛИЕВ,
Қашқадарё области.

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Хива район идеология ходимлари шу кунларда шаҳар корхоналарида, чорвачилик фермаларида, трактор парклари оммавий сиёсий ва сайловолди тарғибот ишларини намунали олиб бормоқдалар. Агитпунктларга келаётган сайловчилар шу куннинг энг муҳим мавзуларидаги «Сайловдан сайловгача», «Бахтимиз қомуси», «Колхозимиз ўнинчи беш йилликда» каби стендлар билан танишмоқдалар.

Сайловолди тарғибот ишларини амалга ошириш учун агитпоезд ишга қўлинган. Унда районнинг таниқли лекторлари ва Ленин номли колхознинг «Олтин қўллар» ансамбли бор. С. Юсупов, К. Собиров, Р. Билолова, Ж. Абдуллаев каби лекторларнинг «Совет Конституцияси ҳаётимиз қонуни», «Совет сайлов системасининг демократик асослари», «Совет сайлов системасининг буржуа сайлов системасидан афзалликлари» мавзулардаги лекция ва суҳбатлари сайловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Б. ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм области.

МАМЛАКАТ ОЛИЙ МАКТАБЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Билимларни, коммунизмнинг музаффар ғояларини омма орасига кенг ёйиш, фан-техника тараққиётини ривожлантиришдан кўра юксакроқ бурч ва масъулиятлироқ вазифа йўқ. Бу фахрий бурчни совет олий мактаби ходимлари шараф билан адо этмоқдалар.

Олий ўқув юртлари ходимларининг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши иштирокчилари 8 февраль куни КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарорида келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров минбарга чиқди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларининг энг асосий вазифаси, деди у, энг муҳим ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишга қобилиятли, ижодий изланувчан мутахассисларни тайёрлаб чиқаришдан иборат.

КПСС Ленинград область комитетининг секретари В. Г. Захаров ўз нутқида ёш мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни перспектив планлаштириш проблемалари тўғрисида гапирди.

СССР маориф министри М. А. Прокофьев ёш авлодни тарбиялашда ўқитувчининг олижаноб ва масъулиятли роли тўғрисида гапирди. Умумий мажбурий ўрта таълимнинг янада ривожлантирилиши, деб таъкидлади у, ўқитувчилар тайёрлаш сифатини яхшилашга, педагогика институтларининг ўрта мактаблар билан алоқасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга янги юксак талаблар қўймоқда.

Юксак малакали мутахассис тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда 3 миллион студентни бирлаштирган олий мактаб комсомол ташкилотлари муҳим ўринни эгаллайди, деди ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов. Коммунистик дунёқарашни шакллантириш комсомолнинг ва олий мактабнинг ишида алоҳида ўринни эгаллайди. Барча совет йигит ва қизлари сингари студентлар ҳам ҳамиша партия билан бирга бўлиб, унинг ташқи ва ички сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Украина ССР олий ва ўрта махсус таълим министри Г. Г. Ефименко ўз нутқида ўқтириб ўтганидек, ўқиш жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш ёш авлодни тайёрлаш ва тарбиялашни яхшилашда энг асосий резервдир. Украинада студентларнинг иш ҳажмини пухта планлаштириш соҳасида анчагина тажриба тўпланди.

Ленинград давлат педагогика институтининг студенти, Бутуниттифоқ олий мактаблар кенгашининг аъзоси Е. В. Алексеевага сўз берилди: шаҳримиздаги олий ўқув юртларининг комсомол ташкилотлари, деди у, «Аълочиларнинг юксак билим даражасидан бутун группанинг юксак даражада ўзлаштиришига эришайлик» деган шиор остидаги ҳаракатни кучайтириб, йигитлар ва қизларнинг ярмидан кўпи «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўқишига эришдилар.

Москва область Ленин районидаги Владимир Ильич Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. И. Кухарга сўз берилди: қишлоқ мутахассиси — юксак билимли қишлоқ зиёлиси, ташкилотчи, технолог, коллективнинг мураббийсидир, деди у. Бизнинг колхозимиз олимлар билан, олий ўқув юртлари студентлари ва шу жумладан Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясининг коллективи билан мустаҳкам алоқа боғлаганлиги туфайли муваффақиятларга эришди, деди у.

Илмий-техника жамиятлари Бутуниттифоқ кенгаши раиси академик А. Ю. Ишлинский, Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Бутуниттифоқ давлат кинематография институти кафедра мудири С. А. Герасимов, Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзлари марказий комитетининг раиси Т. П. Янушковская, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. З. Ўразаев, Р. Я. Малиновский номли Бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясининг бошлиғи, бронетанк қўшинлари маршали О. А. Лосик, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бутуниттифоқ аттестация комиссиясининг раиси В. Г. Кириллов-Угрюмов, Донецк область олий мактаблари ректорлари кенгашининг раиси профессор Г. В. Малеев, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарори муносабати билан олий ўқув юртлари ходимлари олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида гапирдилар.

СССР олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин якунловчи нутқ сўзлади.

Кенгаш иштирокчилари мамлакат олий мактабларининг барча профессорлари, ўқитувчилари, аспирантлари, студентлари ва ходимларига мурожаатнома қабул қилдилар. Улар олий ўқув юртлари ходимларининг кўп минг кишилик коллективи номидан олий мактабга доимо эътибор бераётганликлари учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик ва қизғин ташаккур изҳор этдилар. Мурожаатномада ғоявий-сиёсий ишларнинг самарадорлигини оширишга, студентларни Коммунистик партия билан социалистик Ватанга чексиз садоқат руҳида, социализмнинг улуғ ғалабаларини ҳимоя қилиш учун шахсан жавобгарлик руҳида тарбиялашга даъват этилади.

КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежнев номига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

Кенгашнинг якуловчи куни ишларида КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Т. Я. Киселев, Г. И. Марчук иштирок этдилар.

(ТАСС).

ДУГОНАМИЗ ТАШАББУСИ

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Бу воқеани биз дугонамиздан эмас, унинг онаси Чеҳрахон аядан эштганмиз.

Ойша қўлидаги тўрт букланган газетани кўксига босганча остонада туриб қолди. Онаси ширчой қуйилган косаларга нон тўғраб бўлгач, қизига қаради:

—Тағин ўжарлигинг тутяптими дейман, қизим! Тинчликми ўзи? Уйга кир. Ширчойни ич.

— Ойи! — деди Ойша қатъий оҳангда. — Сиз айтмасангиз мен айтаман! Сиз тортинсангиз, мен уялсам, бошқалар истиҳола қилишса, ҳақиқатни ким айтади. Қачонгача фермада жайдари сигирларни боқасиз?

Ойша колхоз правлениесининг раиси Идиевой ака Ашуров ҳузурига борди. Раис қизин ўрнидан туриб қарши олди, ўтириш учун стул кўрсатди. Чойнакдан пиёлага чой қуйиб узатди. Онда аъзоларини, уларнинг саломатлигини сўради. «Илғор сут соғувчимиз Чеҳрахон опа тузукмилар, ҳозир ҳам ойинга кўмаклашиб турибсанми?» — деб сўради. Хуллас, гапга гап уланиб кетаверди.

— Эшитдим, деди раис стол устидаги қандайдир қоғозларга қўл қўяр экан, — мактабни аъло баҳолар билан тугатибсан. От ўрнини той босади, деган нақл бор. Яқинда ойингни пенсияга узатамиз. колхозимиз фермасига сендек ёшлар керак. Бунинг устига қорамолларни зотли сигирларга алмаштиряпмиз. Механизациялашган ферма қуриляпмиз.

Раис ҳамма гапни аллақачон айтиб қўйган, Ойша кўнглига тугиб юрган гапларни тўкиб солишига ҳожат қолмаган эди. Ойша фақат: «раҳмат, раис бува, таклифингизга розиман» дея олди, холос. Эртаси куниёқ унга 20 бош сигир ажратиб беришди.

Бу воқеага уч йилдан ошди. Ойша Ҳамроева ферма коллективи ўртасида ишчанлиги билан обрў қозонди. Сигирларни парвариш қилишда, уларга вақтида ем бериб, суғоришда Ойша ҳаммамизга намуна бўляпти. Илгарилари ҳар сигирдан 1400—1500 литрдан сут соғиб олган соғувчилар мақтаниб юришарди. Ойша фермага келгандан кейин янги зотли сигирлар шарофати билан ҳар сигирдан олинадиган сут 3 минг литрга яқинлашиб қолди.

Утган йили колхозимиз давлатга 335 тонна ўрнига 370 тонна сут топширди. Бунда Ойшанинг ҳиссаси катта. У ҳар сигирдан қарийб 3 минг литрдан, жами 60 минг тонна сут соғиб олди.

Бу йил колхозимизда қорамоллар сони минг бошга етказилади. Зотли сигирлар сони 20 бош кўпаяди. Фермамиз коллективи 532 тонна сут соғиб олишни планлаштирмоқда. Ойша эса ҳар сигирдан 4 минг литр сут олишга аҳд қилди.

Биз Ойша Ҳамроеванинг «Пахтакор» сайлов округидан Бухоро область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганидан ғоят хурсанд бўлдик. Дугонамиз халқ ишончини оқлашига аминмиз.

М. РУСТАМОВА,
Ш. ХОЛОВА,
С. ҚОДИРОВА.
Бухоро область, Вобкент районидаги «Пахтакор» колхозининг сут соғувчилари.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ИЛҒОР СУТ СОҒУВЧИГА ЮКСАК ИШОНЧ

•

КОЛХОЗ АГИТПУНКТИДА

•

ЁШ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

28-Ўзбекистон сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Тошкент политехника институтининг IV курс талабаси Гулнора Исроилова кўрсатилган. У аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида актив қатнашади: самолётсозлик факультети комсомол ташкилоти бюросининг аъзоси, группа сиёсий ахборотчисидир. Суратда: депутатликка номзод Г. Исроилова кутубхонада.

Р. Шамсуддинов ва А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ).

САЙЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар муносабати билан Бувайда районида аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишлар кучайтириб юборилди. Сайлов кампаниясида муҳим босқич — номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бошланиши муносабати билан Калинин номли колхозда райондаги агитпункт мудирларининг навбатдаги семинари ўтказилди. Агитаторлар ишни ташкил этишдаги илғор тажрибалар ўртоқлашилди.

Қ. ТУРСУНОВ.

* * *

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 63-ҳунартехника билим юрти ўқитувчилари сайловолди кампаниясида актив қатнашмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги агитатор қилиб тайинланган. Ҳунар-техника билим юртида жойлашган 20-сайлов участкаси ва бу ердаги агитпункт доим сайловчилар билан гавжум бўлмоқда. Бу ерда юридик консультация мунтазам ишлаб турибди. Агитаторлар айниқса ёш сайловчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳ. ҚОЗОҚОВ.

* * *

Шунингдек, Тошкент районидаги 37-мактаб ўқитувчиси Б. Досимов, Андижон пойафзал фабрикаси ишчиси Р. Эминов, Пастдарғом районидаги «Москва» колхози аъзоси Н. Эшқувватов, Марҳамат районидан Ҳ. Каримов, Тўрақўрғон районидан Б. Ҳолиқов ўртоқлар ҳар куни кунларда агитаторларнинг сайловчилар орасида олиб бораётган ишлари тўғрисида редакцияга хабар йўллаганлар.

ТАБИАТ—ЎЗ УЙИМИЗ

Матбуот темасида

Баъзи рақамларга мурожаат қилайлик: кейинги юз йил ичида ер қуррасида жами ҳайдаладиган экин майдонларининг 27 проценти эрозия туфайли йўқотилди. Бу — 2 миллиард гектарга тенг. Ёки бошқа бир мисол. Сўнгги 50 йил ичида сут эмизувчиларнинг 36 тури, қушларнинг 90 тури йўқолиб кетди. «Қизил китоб»га ёзилган қуш ва сут эмизувчиларнинг 650 тури йўқолиб кетиш хавфи остида. Шуларнинг кўпчилиги Сурхондарё воҳасининг сарҳадларида учрайди.

Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетаси редакцияси томонидан ташкил этилган «Давра столи» атрофидаги суҳбат қатнашчилари — областнинг таниқли олимлари ва жамоатчилик вакиллари учрашувда шу сингари фактларни тилга олдилар. Бу рақамлар беихтиёр кишини ўйга толдиради: инсонга камолга етказган, унинг бешигини тебратган она-табиат бугун ўз фарзандининг меҳрига, унинг ардоғига муҳтож!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисидаги қарорларида, СССР Конституциясининг тегишли моддаларида табиатни кўз қорачиғидай асраш, ундаги жараёнларга илмий, асосли аралашиш зарурлиги таъкидланган. Ўзимиз яшайдиган, меҳнат қиладиган, дам оладиган она-табиатни ардоқлаш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги ғамхўрлик фарзандларимиз истиқболи учун ғамхўрликдир.

«Ленин байроғи»нинг ҳар ойда бир маротаба эълон қилинадиган анъанавий «Табиатнома» саҳифасида рангбаранг, қизиқарли материаллар ўрин олмоқда. Уларни газетхонлар севиб ўқишмоқда. Областнинг ўзига хос табиати, арчазор тоғларининг шифобахш ҳавоси, ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш проблемалари атрофлича, кенг ва чуқур ёритилмоқда.

Газета материалларида табиатга муҳаббат, уни ардоқлаш масалалари, замондошларимизда шу фазилатларни тарбиялаш вазифалари асосий ўрин эгаллаётир. Мактабларда, пионер уйлари ва ўқитувчиларнинг тўгракларида олиб борилаётган тарбиявий ишлар тажрибаси қизиқарли ёритилмоқда. Бу жиҳатдан Термиз шаҳридаги «Правда» мактабининг табиат ўқитувчиси Робия Тўлакова тажрибасига бағишланган материал диққатга сазовор. Унда болаларда табиат ва ҳайвонот дунёсига муҳаббатни тарбиялаш жараёни ишонарли очилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг илмий ходими Т. Холтўраевнинг «Ранг берувчи ўсимликлар» сарлавҳали материали газетхонларда жонли қизиқиш уйғотганлигини редакцияда ҳали унутишгани йўқ. Сурхон диёрининг Вандоб, Яккатоғ, Сангардак, Зарабоғ сингари тоғ қишлоқларида яшовчи одамлар ўсимликларнинг бу хусусиятидан ҳанузгача фойдаланишади.

Сурхондарёда катта-кичик сойлар, дарёлар, анҳор ва ариқлар беҳисоб. Бир пайтлар уларда балиқлар сероб эди. Эндликда-чи? «Ариқ балиққа тўла эмас» сарлавҳали мақолада бу проблема жиддий қилиб қўйилди. Ариқлар, анҳор ва сойларда балиқчиликни ривожлантириш масаласи жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди.

Редакция фақат етилган масалаларни ўртага қўйиш билан кифояланмаётир. Балки уларни ҳал этиш жараёнига актив аралашмоқда. Илмий-тадқиқотларнинг натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун собитқадам ташкилотчи сифатида майдонга чиқмоқда. Олимларнинг самарали ишлари туфайли область суғ ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш соҳасида бир қатор тажриба тўпланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Зоология ва паразитология илмий-текшириш институти катта илмий ходими, биология фанлари кандидати А. Омоновнинг «Иқлимлашган балиқлар» сарлавҳали мақоласида ана шу илмий изланишлар якуни ҳақида фикр юритилади. Жанубий Сурхон, Дегрез, Учқизил сув омборларида судак, карась, лещ ва бошқа балиқ турларини иқлимлаштириш ва кўпайтириш туфайли канал ва коллекторларни биомелиорациялаб, тозалаш имконияти туғилди.

Сурхондарё жайронхонаси янтоқзор, ўқиқир-чўқиқир қумтепалардан иборат эди. Ҳозир бу ерлар — гулзор, мевазор — ям-яшил боғу бўстон. Унинг бунёдкори — Мамажон Жалилов. Ана шу табиат шайдоси бир пайтлар Термиз яқинида, «Намуна» колхозида бригадир эди. Оғир хасталик уни шу Жайронхона шифохонасидаги балчиқ сувида даволаниш учун етаклаб келди. У шу ерда оғир дарддан фориғ бўлди. Ўшанда: «Мана шу янтоқзорни обод қиламан! Бу ерларда боғ ташкил этаман!» деб аҳд қилди. Шундан буён орадан йигирма йил ўтди. Ҳозир Жайронхона шифохонаси атрофида 90 гектар боғ-гулзор бор. «Гул шайдоси» корреспонденциясида ана шу боғнинг вужудга келиши, унинг ижодкори — она табиатимизнинг "мухлиси Мамажон Жалилов" ҳақида ҳикоя қилинади.

Тўполанг, Сангардак дарё ҳавзаларида, Сўрак, Дуоба, Қиштут, Шотруд, Ховот қишлоқларида йирик хурмозорлар ташкил этиш масалалари ўртага ташланмоқда. Ҳайвонот дунёси ва табиат оламига тор шахсий манфаатларини қўлаб, ваҳшийларча муносабатда бўлаётган шахслар қаттиқ танқид остига олинмоқда. Газета яйловларда, ламмикор ерларда эрозияга қарши курашни кучайтириш лозимлиги ҳақида ёзмоқда.

Шу билан бирга «Табиатнома» таҳламларини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, ана шу муҳим темани ёритишда ҳали очилмаган кўриқлар ҳам анчагина. Чунончи, сўнгги йилларда областда ишлаб чиқариш кучлари жадал ривожланмоқда. Янги конлар, саноат корхоналари бунёд этилиб, ишга туширилмоқда. Булар атроф муҳитнинг ифлосланишига муайян таъсир кўрсатаётир. Зарарли чиқитлар ва бошқа нарсалар билан ҳавони, сувни, атроф муҳитнинг ифлослантирилишига, пахта тозалаш саноати корхоналарида чангга қарши кураш проблемаларига муттасил аҳамият бериб турмоқ лозим. Фан-техника тараққиёти инсон турмуш таранг ҳам жиддий ўзгаришлар олиб кирмоқда. Хонадонлардан кўплаб чиқитлар чиқадики, улар ҳам қишлоқларни, йўл четларини, ариқ ва анҳорларни ифлослантирмоқда. Ҳаво ва сувни булғатмоқда. Ана шу масалалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

«Ленин байроғи» газетасини кўздан кечирилаётган вақтда бир қатор область, шаҳар ва район газеталари таҳламларини ҳам қараб чиқишга тўғри келди. Шунда беихтиёр табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳитни яхши сақлаш масалалари айрим газета редакциялари коллективлари эътиборидан четда қолаётганлиги кўзга ташланди. Баъзи редакциялар ана шу муҳим мавзуни ёритишда ўзига хос йўлни, услубни ҳануз топа олганлари йўқ. Кўпчилик қолларда «Табиат ва инсон», «Ҳайвонот олёмида», «Фойдали ўсимликлар» рубрикалари остида онда-сонда материаллар бериш билан кифояланилмоқда.

Ер, ўрмон, дарё ва тоза ҳаво тўғрисида ҳар биримиз қалбимизнинг бутун эҳтироси билан қалам тебратайлик. Қуйи Амударё ҳавзасида, Қарши ва Жиззах даштларида, Чўли маликда, саноат марказларида амалга оширилаётган жуда катта бунёдкорлик ишлари жараёнида табиатга таъсир ўтказиш вазифаларини комплекс, умумдавлат миқёсида ҳал этиш журналистлар, ишчи-деҳқон мухбирлари муттасил аралашиб туриши лозим бўлган масалалар. Зеро, табиатни қўриқлаш, унинг бойликлари ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш мавзуи ҳамиша актуал ва муҳимдир. Бу кўҳна оламнинг мукаммаллигини авлодларимиз учун сақлаб қолиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

«Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда муносиб кутиб олайлик» — Самарқанд области Каттақўрғон районидаги «Ленинизм» совхози сут-товар фермаси коллективининг аҳди шундай. Ферма сут соғувчилари маҳсулотнинг ошиши билан бирга унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бунинг учун сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Суратда: ҳар бир бош сигирдан 2500 килограммдан ошириб сут соғиб олишга аҳд қилган пешқадам сут соғувчилардан (чапдан) М. Нурмидинова, И. Маҳкамова, Н. Эргашева ва Х. Хатамова.

А. Тўраев фотоси.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Ленинград райони чорвадорлари КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, давлатга сут сотиш бўйича ўнинчи беш йиллик учун белгиланган планни ошириб бажардилар. Қабул пунктига ҳозиргача 19870 тоннадан зиёд серқаймоқ сут етказиб берилди. Бу планда белгиланганидан 400 тонна кўпдир.

Район сут соғувчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва Советларга сайловлар шарафига мусобақани авж олдириб, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш учун курашяптилар.

А. АҲМЕДОВ,
Фарғона области.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН — ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Сирдарё районидаги «Малик» совхозида пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантиришга, уни рентабелли соҳага айлантиришга жиддий эътибор берилаётир. Ўтган йили хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планларини анча орттириб бажаришга эришилди. Сигирлардан белгиланганидан ортиқ бузоқ олиниши ҳисобига чорва туёғи 70 бош ортди. Давлатга сут, гўшт ва тухум сотиш планлари ортиғи билан бажарилди. Давлат қабул пунктига пландаги 2462 тонна ўрнига 2790 тонна сут, 400 тонна ўрнига 428 тонна гўшт ва 4 миллион дона тухум етказиб берилди. Фермадаги 825 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 3900 килограмм ўрнига 4131 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Социалистик мусобақа илғорлари Аширгул Эрназарова, Ольга Месяцева, Мария Дедкова, Ольга Фадеева ва Надежда Ивановалар ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан 4500-4980 килограммга етказиб сут соғиб олдилар.

Совхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чорвачилик ходимларининг 1979—1980 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорига жавобан зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Сигирларни оқсил ва витаминларга бой бўлган хилма-хил озуқа асосида тузилган рацион билан боқиш туфайли қишда ҳам йилнинг бошқа фаслларидагидек сут соғиб олишга эришилмоқда. Совхоз соғувчилари қунига ҳар бир сигирдан 11—12 килограммдан сут соғиб олишаётир.

«Малик» совхози меҳнатсеварлари, улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Уларнинг эзгу ниятлари — улуғ сана шарафига чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича ўнинчи беш йиллик планларини бажаришдан иборат.

Э. РАҲМОНОВ.

ҚАЧОНГАЧА ИМИЛЛАЙСИЗ?

Қумқўрғон райони меҳнаткашлари партия XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги июль ва кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, чорвачиликни жадал суръатларда ривожлантирмоқдалар, маҳсулот етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. 1979 йилда район колхоз ва совхозларида 1792 тонна гўшт, 3210 тонна сут, 1 миллион 528 минг дона тухум, 3510 центнер жун, 44465 дона қоракўл тери тайёрланди. Бу 1978 йилдагига нисбатан анча юқори кўрсаткичлардир. Бўрдоқига боқилган ҳар бир қорамол ҳисобига 10 килограмм, чўчқа ҳисобига 8 килограмм, қўй ҳисобига 4 килограммдан кўп гўшт тайёрланди.

Гўшт етиштиришда «Комсомол 30 йиллиги» совхозининг А. Лоқаев бригадир бўлган фермаси чорвадорлари юқори кўрсаткичга эришдилар. Хўжаликда гўштга топширилган қорамолнинг ўртача тирик вазни 450 килограммга етказилди. Сут ишлаб чиқаришда ҳам бу хўжалик чорвадорлари илғор бўлдилар. Б. Сафарова, О. Тўраева, Х. Худойбердиева каби сут соғувчилар ўзларига биркитилган сигирлардан ўртача 3500—4000 килограммдан сут соғиб олишди. Шунингдек, «Ўзбекистон» совхозининг М. Раҳимова, М. Каримова, «Москва» колхозидан Б. Абдураҳмоновалар ҳам сигирлардан аввалги йилдагига қараганда кўп сут соғиб олишди. «Қизил Октябрь» колхозининг Абдурайим Юсупов мудир бўлган фермасида ҳар бир товуқдан ўртача 195 тадан тухум олинди.

Афсуски, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар айрим хўжаликларда амалга оширилмай қолаётир. Буни янгичча толаси пахта етиштиришда республикага доғ таратган «Москва» колхози мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган йили бу хўжаликда давлатга гўшт сотиш плани 74 процент бажарилди, холос. Аввалги йил ҳам худди шундай аҳвол юз берганди. Колхоз правленияси ва партия комитети бундан тўғри хулоса чиқариб, гўшт етиштиришни кўпайтириш тадбирларини амалга ошириши зарур эди. Бироқ, афсуски бундай бўлмаётир.

Колхозда жуда катта чорвачилик комплекси мавжуд. Шунингдек, молларни бўрдоқига боқиш учун алоҳида ферма бўлиб, унда қўйлаб қорамоллар сўқимга боқилмоқда. Бу соҳага масъулият билан қаралмаганлигини фермада бўлган киши даҳшатли сезиб олади. Моллар таги вақтида тозаланмайди, хоналар совуқ, озуқа ҳозирги талаб бўйича рацион асосида берилмаётир. Дағал хашакни ҳамда комбикормани буғлатиб, ширадорлигини ошириб бериш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Аҳвол шундай бўлгач, гўшт етиштиришни кўпайтириб бўладими?!

Колхозда ўтган йили моллар сонини кўпайтириш бўйича планлар бажарилмай қолди. Қорамоллар сонини кўпайтириш 91,5 процент, совлиқлар 91,5 процент паррандалар 81 процентга уддаланди, холос.

1979 йилда район бўйича гўштга топширилган қорамолларнинг тирик вазни ўртача 372 килограммни ташкил этди. «Москва», «Қизил Октябрь» колхозларида эса кўрсаткич бундан паст бўлди. «Ўзбекистон» совхозида ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 351 килограммдан ошмаганлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир. Бултур районда чўчқалар тирик вазни ўртача 110 килограммдан, қўйлар 45 килограммдан қилиб топширилган ҳолда «Ўзбекистон» совхозида чўчқалар гўштга ўртача 100 килограммдан, қўйлар 40 килограммдан топширилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Чорвачилик ходимларининг 1979—1980 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириб, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш учун курашяптилар.

М. БЎТАЕВ,
Қумқўрғон район «Меҳнат-роҳат» газетасининг редактори.
А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Аҳмад ИСМОИЛОВ

Ўзбек совет журналистикаси катта жудоликка учради. «Тошкент ҳақиқати» область газетасининг редактори Аҳмад Исмоилов 8 февраль куни вафот этди.

А. Исмоилов 1915 йилнинг 5 майида Жиззах районидаги Гандумтош қишлоғида туғилди. Мактабдан сўнг у Каттақўрғондаги партехникумни битирди ва 1933 йилда ўз журналистлик йўлини «Каттақўрғон ҳақиқати» газетасининг адабий ходимлигидан бошлади. Шу йили Жиззахда чиқадиган «Социализм йўли» газетасининг бўлим мудири қилиб тайинланди. 1935 йилдан А. Исмоилов Тошкентда ишлай бошлайди. У «Ёш ленинчи» газетасининг адабий ходими, бўлим мудири, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бўлим мудири бўлиб ишлайди. 1943 йили Фарҳод ГЭСи қурилишига — «Халқ қурилиши» газетасининг масъул секретарлигига юборилди.

1944 йилдан А. Исмоилов «Қизил Ўзбекистон» газетаси масъул секретари ўринбосари бўлиб ишлади. 1953—1955 йилларда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Тошкент партия мактабида ўқиди. Уни битирганидан сўнг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул секретари бўлиб ишлади. А. Исмоилов 1956 йилдан 1960 йилгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг матбуот сектори мудири бўлди. 1960 йилдан «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакторининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1963 йил сентябридан умрининг охирига қадар у «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори бўлиб ишлади.

1947 йилдан КПСС аъзоси бўлган А. Исмоилов ҳар қандай давозимда ҳам партия ишига чексиз садоқат билан хизмат қилди. Юқори малакали журналист, редакция ишини ташкил этишнинг яхши билимдони сифатида у матбуот ходимлари учун намуна бўлиб хизмат қилди, уларни ҳамиша тарбиялаб келди. А. Исмоилов катта қалб эгаси, яхши инсон, айни пайтда талабчан ўртоқ эди.

А. Исмоилов бир неча бор Тошкент область партия комитетининг аъзоси, область Советининг депутати қилиб сайланди. У кўп йиллар Ўзбекистон Журналистлар союзи правленнесининг секретари бўлиб сайланди. У Тошкент область журналистлар ташкилоти правлениесининг раиси эди.

А. Исмонловга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган эди. Меҳнатдаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, уч марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, кўплаб медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

А. Исмоиловнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, М. М. Мусахонов, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. А. Антонов, Т. А. Алимов, А. И. Икромов, Ф. Г. Потуремский, А. М. Ҳўжаев, Т. Р. Абдушукуров, Ҳ. Ю. Алиддинова, З. И. Есенбоев, У. Е. Иброҳимов, А. И. Ислямов, М. Қ. Қориев, Ш. Ниёзов, И. Сулаймонов, Н. Ф. Тимофеев, Б. М. Шатуновский, С. Мусаев, Р. Умаров.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ҚАРДОШЛАРЧА БИРДАМЛИК

3 февралдан 5 февралгача Москвада Совет Иттифоқи делегацияси билан Кампучия Халқ Республикасининг делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Ҳар иккала томон муҳокама этилган ҳамма масалалар юзасидан фикрларнинг тўла-тўкис бирлигини таъкидладилар.

Кампучия халқи вакилларининг Совет Иттифоқига қилган визити хусусида халқаро миқёсда билдирилган кўпдан-кўп фикрларда бу визит иккала халқ ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлашда, СССР билан КХР ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим босқич бўлганлиги таъкидлаб ўтилмоқда. Москвада имзоланган Совет — Кампучия баёнотида музокараларнинг асосий якунлари акс эттирилди. Шунингдек, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданий ва илмий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар, савдо-сотиқ битими ва савдо-иқтисодий алоқаларга тааллуқли бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Кампучия делегациясининг аъзолари билан бўлган учрашувларда совет кишилари Кампучия революцион-ватанпарвар кучларининг 1979 йил январидаги тарихий ғалабасини астойдил табрикладилар. Халққа қарши истибдод режими ағдариб ташланганлиги мамлакатнинг демократия ва социал тараққиёт йўлидан олға бориши учун ғоят шарт-шароитларни яратди. Республика пойтахти — Пномпенда ҳозир 40 тадан ортиқ завод ишлаб турибди. Пномпень билан денгиз порти — Кампонгсаом ўртасидаги темир йўл қуриб битказилди.

Мамлакатда 1550 та мактаб ишлаб турибди, уларда 500 минг ўғил-қиз таълим олмоқда. 25 та касалхона ва 80 та медицина пункти очилди. Ҳолбуки, бир йилдан сал кўпроқ вақт муқаддам пекинпараст жаллодлар тўдаси зулми азобини тортиб турган Кампучия жуда катта қамоқ лагерига айлантирилган эди. Бу қамоқ лагерида салкам 3 миллион киши қирғин қилинган эди.

Кампучия Халқ Республикасининг делегацияси мамлакатни қайта тиклаш ишида, аҳолининг турмушини нормал изга солиш, халқаро реакциянинг қораниятларига қарши кураш ишида Кампучия халқига жуда катта бегараз ёрдам ва мадад берган Совет Иттифоқига астойдил миннатдорчилик изҳор этди. Совет — Кампучия муносабатлари муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги иккала мамлакат халқларининг манфаатлари муштараклигини, ҳамда улар империализмга, гегемонизмга, реакция ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, хавфсизлик ва социал тараққиёт учун кураш идеаларига содиқ эканликларини ифодалайди.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

Эртага ПБИПнинг VIII съезди очилади

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

Байрам безаклари, қип-қизил алвонлар ва халқнинг жанговар авангарди — Польша Бирлашган ишчи партиясини шарафловчи шнорлар ва транспарантлар шу кунларда халқ Польшасининг шаҳар ва қишлоқларига алоҳида тантаналорлик бахш этиб турибди. ПБИПнинг 11 февраль куни Варшавада очиладиган VIII съезди республика коммунистлари, барча меҳнаткашларининг социалистик жамият қуриш йўлидаги курраши тарихида муҳим босқич қилади.

Бутун мамлакат ПБИПнинг съездини ижодий, бунёдкорлик меҳнати, юксак ижтимоий-сиёсий активлик вазнятида кутиб олмоқда. Республика меҳнат коллективларининг партия съездига бағишланган янги ғалабалари тўғрисидаги қисқа рапорт сатрлари мана шундан яққол далолат бериб турибди. Хрубешув-Катовице ўртасидаги салкам 400 километрлик кенг изли темир йўл магистралини қуриш муддатлари икки ҳисса қисқартирилди. Бу магистрал: чегара станцияларида совет рудасини, поляк олтингугурти ва кўмирини қайтадан юклашга қилинадиган катта харажатларга йўл қўймайди. Ҳар кеча-кундуза 8 минг тонна кўмир қазиб чиқара оладиган Поляк ёшлари социалистик иттифоқи номидаги шахта муддатидан илгари қурилиб, ишга туширилди. Козинец ТЭЦининг энергетиклари совет мутахассислари иштирокида қурилган янги энергетика блокини ғоят қисқа муддатда лойиҳадаги қуввати даражасига етказиб олдилар. 1980 йилнинг дастлабки ойида пўлат қуювчилар ва машинасозлар, химиклар ва тўқувчилар ПХР халқ хўжалигига бир неча юз миллион злотийлик маҳсулотни пландан ташқари етказиб бердилар.

Анъанага кўра республика меҳнаткашлари ПБИПнинг VIII съезди арафасида ўз ишларини фахрланиб якунламоқдалар. Дарҳақиқат, салмоқли ва жозибали ишлар қилинди. Зарбдор меҳнат туфайли, ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан интеграция алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали кейинги 10 йил ичида Польшадаги саноат ишлаб чиқаришни 2,3 баравар ошди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 30 процент кўпайди. Социал эҳтиёжларга қилинадиган харажатлар тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида бу эҳтиёжларга қилинган харажатлар 195 миллиард злотийга етади.

ПХРнинг қардош мамлакатлар билан, аввало Совет Иттифоқи билан ўзаро манфаатли, қалин ҳамкорлигини янада ривожлантириш социализмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга кўмаклашди. Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг мустаҳкам бўгини бўлмиш Польшанинг халқаро обрў-эътибори ҳам анча мустаҳкамланди.

Ана шуларнинг ҳаммаси — Польша Бирлашган ишчи партиясининг аниқ мақсадни кўзлаб қилган катта ишлари натижасидир. Партия марксизм-ленинизм принципларига амал қилмоқда, ленинчи КПССнинг, бошқа қардош партияларнинг ғоят бой тажрибасидан доимо фойдаланиб келмоқда.

Ҳозир Польша Бирлашган ишчи партияси сафларида 3 миллиондан ортиқ киши, яъни 1975 йил охирида бўлганидан 600 мингдан зиёд кўп киши бор. Ўтган йиллар мобайнида партиянинг ишчилардан иборат ўзаги мустаҳкамланди. Поляк коммунистларининг 41 процентдан кўпроғи бевосита ишлаб чиқаришда машғул бўлган ишчилардир. ПБИПнинг республика ёш авлоди ўртасидаги обрў-эътибори муттасил ошмоқда. Барча поляк коммунистларининг қарийб 30 процента 30 ёшга етмаган йигит ва қизлардир.

ПБИП VIII съездининг делегатлари ҳозир гўзал Варшаванинг энг фахрли меҳмонларидир. Съездга келган салкам 2 минг делегатнинг тақдири, касби ва характери ҳам ҳар хил. Бироқ, уларнинг муштарак хислатлари ҳам кўп. Уларнинг ҳаммалари — тинчлик ва социализм иши учун, марксизм-ленинизм ғояларининг ғалабаси учун эътиқодли курашчилардир.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг коммунистлар ижжуманига тайёргарлик даврида умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган съезд олди тезисларида партиянинг снёсатида Польшанинг Совет Иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорлигига асосий ўрин берилади, деб эълон қилинди. Поляк — Совет муносабатлари, деб таъкидланади шу ҳужжатда, ўз ривожининг сифат жиҳатдан янги босқичига кирди. Бу босқич СССР ва ПХР қардош халқларининг алоқалари ва ўзгирлаб ва дўстлиги доимо мустаҳкамланиб бораётганлиги билан характерланади.

А. ШАПОВАЛОВ.
(ТАСС мухбири).
Варшава.

Амин тўдасининг жиноятлари

Кобулда Ҳ. Амин тўдасининг жиноятларини текшириш давом этмоқда. Ана шу текшириш чоғида бу тўдаларнинг АҚШ Марказий разведка бошқармаси йўллаб турган контрреволюцион ишларининг тобора янги-янги фактлари фош қилинмоқда. Шу нарса аниқландики, АДРда тўнтариш қилишга ва мамлакатда ўз шахсий диктатурасидан иборат американараст режимни ўрнатишга умид боғлаган Амин ҳокимиятни зўрлик билан босиб олишга, уни батамом ўзининг қариндош-уруғлари қўлида тўплашга ўринган. АДР прокуратурасининг расмий вакили ТАСС мухбирлари Ю. Корнилов ва Л. Бирюковга хабар қилганидек, бунда Ҳ. Аминнинг акаси — Абдуллага алоҳида роль ажратилган. Абдулла мамлакатнинг шимолий вилоятлари ҳокими этиб тайинланган эди. Текшириш чоғида аниқланишича, унинг вазифаси АҚШ ва Пекиннинг мададига таяниб ҳамда бандитларнинг тўдаларидан фойдаланиб, бир қанча шимолий вилоятларда аксилинқилобий исённи уюштиришдан ва сўнгра Хитой қўшинларининг Афғонистонга киритилишини «таъминлашдан» иборат бўлган.

Абдулла ана шу мақсадга эришмоқ учун «революцияни ҳимоя қилиш комитети отрядлари»ни ниқоби остида жиноятчи унсурлардан иборат бир қанча шайкаларни тузиб, мамлакатнинг шимолий қисмига юборган, ана шу шайкалар бир райондан иккинчи районга ўтиб, талончилик ва бебошлик қилганлар, шу йўл билан аҳолини халқ ҳокимиятига қарши қилиб қўймоқчи бўлганлар. Айни вақтда Абдуллаларнинг буйруғи билан партия активларидан оммавий равишда ўч олинган, жойларда ҳокимият органларининг нормал ишлашига тўсқинлик қилмоқ, Апрель революцияси идеаларини оммаларга кўз ўнгида обрўсизлантирмоқ учун ҳамма ишлар қилинган.

Кобулда, мамлакатнинг шарқий, марказий ва жанубий вилоятларида тўнтаришга тайёргарликни ўз зиммасига олган Ҳ. Аминдан кейин Абдулла Амин ҳам Афғонистонга қарши бўлган ва Покистонда жойлашган марказлар билан алоқа ўрнатган. Рад этиб бўлмайдиган фактлар ва ҳужжатлар ана шундан далолат беради.

А. Амин билан келишиб олган ҳолда 1979 йилнинг кузи ва қишида Бадахшон, Тахар ва Боғлон вилоятларига Покистондан Америка ва Пекин «маслаҳатчилари» томонидан тайёрланган қуролли шайкалар ташланган эди. Бу шайкалар партия ходимлари ва АХДП активларидан шафқатсиз ўч олиб, ўқитувчиларни ва ҳатто мактаб ўқувчиларини ота бошладилар, касалхоналар ва мактабларга ўт қўйиб, кўприклар ва йўлларни портлатдилар. 1979 йил декабрь ойи охирида Кобулда Амин тўдасининг тугатилиши унинг акаси мамлакат шимолида бошлаган аксилинқилобий кирдикорларга ҳам чек қўйди, деди АДР прокуратурасининг вакили. А. Аминнинг кўмаги билан мамлакатнинг шу районларига бостириб кирган шайкаларнинг кўпчилиги Афғонистон халқ армияси қисмлари томонидан аҳолининг актив мадади билан тор-мор қилиниб, зарарсизлантирилди.

АҚШНИНГ ИҒВОГАРЛИК РЕЖАЛАРИ

Америка империализми Апрель революцияси ғалабаларига путур етказиш, феодал-монархия усулида идора қилишни тиклаш, мамлакатни Пентагоннинг ҳарбий-стратегик плацдармига айлантириш мақсадида Афғонистоннинг ички ишларига аралашувини кучайтирмоқда.

«Вашингтон пост» газетасининг ёзишича, АҚШ мамурияти «муҳожирликдаги афғон ҳукматини» тузиш ва ўзининг босқинчилик режаларини амалга ошириш учун шу «ҳукумат»дан фойдаланиш планларини ишлаб чиқмоқда. Газета Америка ҳукмрон доираларининг мамлакатда буржуа-помешчик тартибини тиклаш йўлидаги уринишларини беҳуда иш деб ҳисоблайди.

«Вашингтон пост» газетасининг фикрича, ҳозирги вазиятда президент Ж. Картер Афғонистон ишларига аралашишни тўхтатса ҳаммасидан ҳам оқилона иш бўлар эди.

(ТАСС).

ЛУҚМА

ПЕКИНДА СТУДЕНТЛАРГА БЕРИЛГАН САБОҚ

АҚШ мудофаа министри Гарольд Браунга яхши кўриниш мақсадида Хитой маъмурлари унинг Пекинга келиши арафасида Америка элчихонаси биноси олдида студентларнинг намойиш ўтказишини тақиқлаб қўйдилар. Хитой Халқ Республикасида таълим олаётган чет эллик студентлардан 300 дан зиёд киши ана шу намойишнинг ташаббускори эди. Студентлар ўз намойишлари билан АҚШнинг Эронинг ички ишларига аралашишига қарши норозилик билдирмоқчи, айни пайтда шоҳни тутиб бериш ва у ўғирлаб кетган бойликларни қайтариб бериш ҳақидаги эронликларнинг талабларини қўллаб-қувватламоқчи эдилар.

Бунинг ўрнига студентларни СССР элчихонаси биноси олдида игвогарлик уюштиришга рўпара қилдилар. Бу ишни Хитой полициячилари АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатлари элчихоналарининг ходимлари билан биргаликда уюштирдилар. Игвогарликнинг ташкилотчиси сифатида Марит Вильхельмсен танланди. Норвегиялик бу йигитни соқол қўйгани учун студентлар даврасида «бобой» деб аташади. Норвегиянинг агрессив НАТО блокида қатнашувига қарамай, хитойликлар Вильхельмсенни «бетараф давлат»нинг вакили сифатида намойиш қилишди.

Уюштирилган бу томошани кўрсатиш учун кўплаб бекорчилар ҳайдаб келишди. Худди ана шу мақсадни кўплаб чорраҳаларга қўйилган бошқарувчилар намойиш ўтказиладиган ерга келаётган одамларга, айниқса олдиндан таклиф қилинган Ғарб мухбирларининг автомобилларига йўлларни кенг очиб қўйишди. Пекин газеталарини юзларига тутиб олган бу одамларнинг кўпчилиги Советларга қарши можароларда қатнашиб, анчагина кўзи пишиб қолган дипломатлар эди.

Бироқ, воқеа кутилганидан бутунлай бошқача тус олди. Намойиш ўтказиладиган жойга буржуазия Европасининг «соқолли йигитлари»дан ноча ўнлаб киши етиб келганидан сўнг, бу ерда журналистлар оддий одамларга нисбатан анча кўплигини кўришди. «Намойиш»чиларнинг бунчалик озлигини кўриб томошабиларнинг ҳафсалалари пир бўлди.

Айни пайтда ривожланаётган давлатлардан келган студентлар Пекин маъмурларининг бундай найрангбозлигига қарши кескин норозилик билдирдилар.

Оғизда империализмни лаънатлаётган Пекин режими студентларга амалда катта сабоқ берди. Студентлар Хитой раҳбарлигининг Ғарбдаги энг разил реакция билан қўшилиб кетганлигини кўриб, уларнинг ғаламисликларига тўла ишонч ҳосил қилдилар.

Б. АНТОНОВ.
(АПН).

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ

Олтинкўлдаги 127-ҳунар-техника билим юртининг филиали очилди. Бу филиал Москва районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида ташкил этилган бўлиб, кенг профилли механизаторлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Қишлоқ мактабларини яқиндагина битириб чиққан 35 нафар йигит ва қиз филиалнинг дастлабки ўқувчилари бўлишди.

Колхоз махсус дарсхоналарни жиҳозлади, хўжалик ўқув мақсадлари учун қишлоқ хўжалик машиналарини ажратиб берди. Шу йилнинг кўпламиданоқ, филиал тарбияланувчилари колхоз далаларида биринчи марта механизаторлик қиладилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● РИМ. Мальтада Ўрта денгиздаги қўшилмаган мамлакатларнинг конференцияси давом этмоқда. Конференция ишида Кипр, Югославия, Лиония, Марокаш, Сурия, Тунис шунингдек Фаластин Озодлик ташкилоти ва араб давлатлари уюшмасининг делегатлари иштирок этмоқдалар. Араб мамлакатлари вакилларининг таклифига биноан Миср конференцияда қатнашишдан четлаштирилди.

● ТЕҲРОН. Ислом революцион трибуналининг ҳукмига биноан Эронда шоҳ гвардияси артиллериясининг собиқ қўмондони бригада генерали Жамшид Фатҳий Муқаддам қатл этилди. Эрон радиосининг хабар беришича, у шоҳ ҳукмронлиги йилларида Эрон халқига қарши жиноятлар қилганлиги учун айбланди. «Кейхан» газетасининг хабарига кўра, пайшанба куни яна 4 нафар ахсиниқилобчи устидан чиқарилган ўлим жазоси ижро этилди.

● НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва социал кенгаши (ЭКОСОС)нинг ташкилий сессияси ўз ишини тамомлади. Кенгашга халқаро ҳамжамият аъзолари бўлган 54 давлат киради. Сессия қатнашчилари кенгашнинг 1980—1981 йилларга мўлжалланган программасини муҳокама қилди ва маъқуллади.

(ТАСС).

ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

ЧИНАКАМ МУЪЖИЗА БУ

Ёркин зарғалдоқ тусдаги меваларнинг гўж-гўж йирик доналари қуюқ зумрад барглар орасидан ял-ял товланиб ёғду сочади. Улар гўё ёниб турган йирик лампочкалар шодаси янглиғ дарахт шохларида маржондек яшнайди. Ойна ва плёнка билан ўралган кенг, яхлит хоналар оғушида барқ уриб ўсаётган лимонзор боғ ўзининг шу тахлитдаги ажиб манзараси билан кўрганларни чинакам мафтун этади.

Мўъжизакор бу маконнинг, қишда ҳам ёздагидек қулф уриб турган боғнинг ижодкори — боғбони ким? Ҳатто, кескин мўътадил иқлим шароитида цитрус ўсимликлари ўстириб, улардан мўл-кўл ҳосил етиштираётган, уларнинг янгидан-янги навларини яратаётган заҳматкаш инсон ким?

Боғ олдидаги оқ тахтачаларда «Ф-1», «Тошкент нав лимони», «Ф-2», «Юбилей нав лимони» деган ёзувни ўқиймиз.

— Булар Зайниддин аканинг яратган янги нав лимонлари, — деб тушунтиради Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз теплица хўжалиги хизматчиларидан бири.

Шу пайт рўпарадаги теплицалардан бири ёнида нима биландир куйманиб турган оқ халатли киши биз томон одимлай бошлади.

— Мана, ўзлари ҳам келяптилар, — дейишди хизматчилар.

Ўрта бўй, бўғдойранг, хушчақчақ боғбоннинг очиқ чеҳрасидан унинг ғоят одамохунлиги, дилкашлиги яққол сезилиб турар эди. Ўз меҳнати, сабот-матонати билан не-не мўъжизалар яратган ва яратаётган соҳибкор деҳқон, заҳматкаш инсон, тиниб-тинчимас ўзбек селекционери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Зайниддин Фахриддинов чиндан ҳам таҳсинга сазовор ишлар қилмоқда. Унинг кўп йиллик изланишларининг самараси эндиликда мамлакатимизнинг кўпдан-кўп жойларида ҳам кўзга ташланиб турибди. Чунки у яратган янги нав лимонлар ўзининг ажойиб сифатлари билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам «Ф-1», Тошкент нав лимони», «Ф-2», «Юбилей нав лимони» деб зарб этилган бундай тахтачаларни эндиликда мамлакатимизнинг кўпчилик лимонзорларида учратиш мумкин бўлиб қолди. Худди шундай ёзувлардан бири Озарбайжоннинг Кировобод шаҳри яқинидаги колхозларнинг лимонзорларида ҳам пайдо бўлди. Озарбайжонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида вакилларимизни ҳам ана шу хўжалик боғларига таклиф этишган эди. Мезбонлар цитрус экинлари экилган майдонларни алоҳида мамнуният билан кўрсатишар экан:

— Бизнинг жойларимиз субтропик зонага кирмайди, — дейишди улар, — лекин бизнинг лимонларимиз у ерлардан келтириладиган лимонлардан сира қолишмайди, бунинг учун сизларнинг ажойиб боғбонингиз Фахриддиновдан бениҳоя миннатдормиз.

Фақат бугина эмас. Зайниддин ака яратган лимонлар эндиликда цитрус меваларининг асл ўлкаси бўлмиш Грузия ССРда ҳам машҳур бўлиб кетди. Шимолий Кавказда ҳам, Қизилқум кенгликларида ҳам бундай боғларнинг вужудга келиши эндиликда чиндан ҳам одамларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Ҳозир Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Краснодар ўлкаси, Москва, Пенза, Олмаота, Новосибирск ва Иттифоқимизнинг бошқа шаҳар ва ўлкаларидаги 119 хўжаликда Зайниддин ака яратган лимонлар муваффақият билан ўстирилиб, улардан мўл-кўл ҳосил олинмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар йили мамлакатимизнинг турли чекка-ларидаги кўпдан-кўп хўжаликларга ўзбек селекционери кашф этган лимон дарахтларининг қаламчалари самолётларда Тошкентдан тез-тез жўнатилиб турибди. Чунки унинг раҳбарлигида совуққа бардошли, иссиққа чидамли серҳосил лимон навлари етиштирувчи ўзига хос цитрус ўсимликлари лабораторияси ишлаб турибди.

Зайниддин Фахриддинов айни вақтда ажойиб самаралар бераётган изланишларини бундан қариб 20 йил муқаддам бошлаган эди. У аввало республикамиз иқлими шароитида ҳам ўсиши мумкин деб ҳисоблаб янги грузин «Мейер» лимон навларини ўз иши учун асос қилиб олди. Синчков боғбон бу лимон навларининг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб, унинг афзал томонларини тағин ҳам ривожлантириш ва кўпайтириш, улардан тамоман янги нав олишни мақсад қилиб қўйган эди. Бу янги нав эса цитрус ўсимликлари учун бутунлай ноқулай иқлим шароитларида ҳам барқ уриб ўсиши ва мўл-кўл ҳосил бериши шарт эди. Кўп йиллик тинимсиз, сермашаққат меҳнат, беҳисоб изланишлар зое кетмади. Моҳир селекционер ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига эришди. Эндиликда у яратган «Тошкент» ва «Юбилей» навлари шу пайтгача цитрус ўсимликларини ўстириш ҳақида хаёл ҳам қилинмаган ўлкаларда ҳам лимонзор боғлар бунёд этилиб, ундан кўплаб ҳосил олинмоқда. Чунки, Зайниддин ака яратган навлар қуруқ жазирама иссиқда ҳам, аёзли иқлимда ҳам ўсаверади. Яна шу нарса қизиқки, янги лимон навлари бутун йил бўйи бир хилда тўхтовсиз ҳосил бераверади.

Соҳибкор билан лимонзорларни томоша қилиб қайтар эканмиз, у ўзи яратган мевалардан икки-уч донасини узиб олди ва яқин жойда турган торозига қўйди. Ҳар бир дона лимон 2 килограммдан ҳам оғирроқ келди. Бундай вазндаги лимонларни ҳали ҳеч қаерда, ҳеч ким етиштира олмаган.

— Гап аслида лимонларнинг вазнида эмас, балки уларнинг мазаси, хушбўй таъми ва фойдали витаминларнинг кўп бўлишида, — деб таъкидлайди Зайниддин ака.

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг фикрларига қараганда «Юбилей» навида етти процент лимон кислотаси мавжуд. Шу боисдан ҳам врачлар кейинги пайтларда қон босими кўчайган кишиларга ва бошқа шу тахлитдаги беморларга мазкур лимонлардан дори сифатида истеъмол қилишни тавсия қиладиган бўлиб қолдилар.

Янги нав лимонларнинг муаллифи лимон дарахтларини кўпайтириш соҳасида ҳам тамоман янги усулни яратишга муваффақ бўлди. Масалан, лимонларни қаламча шаклида экиб кўпайтириш мумкин эканлигини у амалда биринчи бўлиб исботлади. Буни селекциячилик тажрибасида кашфиёт деса бўлади.

Боғбон ҳамон изланишда. У цитрус экинларининг кўпдан-кўп хилларини республикамиз иқлими шароитида ўстириш устида қизғин иш олиб бормоқда. Ҳозир унинг «қишки боғ» деб аталган ғоятда ноёб лабораториясида планетамизнинг турли мамлакатларида ўсадиган 300 хилдан ортиқ анвойи ўсимликлар етиштирилмоқда. Бундан 17 хили турли мевали дарахтлар бўлиб, қолганлари ҳар хил гуллар, манзарали кўчатлар ва кўп йиллик пахталар ҳамда бошқа нодир ўсимликлардир. Айниқса, боғбон «Ўзбекистон» деб ном берган янги мандарин навига катта умид билан қарамоқда. Янги мандарин ўзининг чиройи, таъми билан тамоман ажралиб, вазни 650 граммгача боради.

Миришкор боғбон Зайниддин Фахриддиновнинг кўп йиллик хизматлари Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

У СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медали, мамлакатимиз ва чет элларда уюштирилган қатор кўргазмаларнинг медаллари билан ҳам бир неча бор мукофотланди. Унинг сермашаққат меҳнати туфайли вужудга келган ноёб ишларига берилган юксак баҳолар фақат булар билангина чекланмайди. Унинг мўъжизакор боғларида бўлган турли хил касбдаги ва лавозимдаги кишилар — олимлар ва деҳқонлар, ўқитувчилар ва министрлар, партия ходимлари ва таниқли кишилар, чет эллик тадқиқотчилар ва сайёҳлар ҳамда кўпдан-кўп шогирдлари ўзларининг қалб сўзларини бу ердаги махсус китобга ҳам ёзиб қолдирмоқдалар.

«Ф-2», «Юбилей нав лимони»нинг яратилиши буюк Мичуринининг тадқиқотига тенг бир ишдир», дейилади ёзувларнинг бирида. «Биз, физик тадқиқотчилар Зайниддин Фахриддинов томонидан жонли табиатда олиб борилаётган дадил ишларнинг муваффақиятидан ҳайратда қолдик. Ҳақиқатан ҳам булар хаёлнинг ҳақиқатга айланаётганини тасдиқлайди» — деб ёзишади СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ҳамда Москва давлат университетининг олимларидан бир гуруҳи.

«Фахриддиновнинг тадқиқотлари, — деб таъкидлайди академик А. И. Опарин, — ўз ишига ҳақиқатан чуқур берилиб ишлаган, табиатни севган, унинг қонуниятларини яхши билиб олган кишининг қандай ишлар қилишга қодир бўлишини яққол намоён қилади». СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Т. Береговойнинг фикрича, халқ селекционерининг ижодкорлик фаолиятида ҳаётга ва яхшиликка нисбатан чуқур муҳаббат ҳамма нарсадан устун туради. Ажойиб соҳибкор эришган ва эришаётган ютуқлар тўғрисида бошқа қанчаданқанча фикрлар, таҳсинлар бор. Ана шулар қаторида селекционер яқинда яна бир фахрли унвон билан тақдирланди. У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги қилиб сайланди.

Зайниддин ака бошлиқ теплица хўжалигида ярим гектарлик лимонзорда эл таъбири билан айтганда, ажойиб «олтин олма»лар кўплаб етиштирилиб, улар юртимизнинг тўкин дастурхонига яна ҳам файз киригмоқда. Ўтган йили 600 минг дона ўрнига 1 миллион 20 минг донадан ортиқроқ лимон узиб олинди. Ҳосилга кирган ҳар бир дарахтда пландаги 400 дона ўрнига 680 донадан мева етиштирилди. Бундан ташқари, ўтган йили бошқа хўжаликлар учун 2 минг дона кўчат тайёрлаш лозим бўлса, аслида 10 минг 500 дона кўчат юборилди. Бу йил эса 25 минг тупдан ортиқ кўчат жўнатилади.

Айни вақтда лимонзорларни янада кенгайтириш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Ўтган йили янги теплицалар қурилиб лимонзор боғлар етти гектарга етказилди.

— Доҳиймиз В. И. Ленининг 110 йиллик табаррук юбилейи шарафига яна икки гектар ерга кўчат экамиз, — дейди Зайниддин ака.

Зайниддин аканинг айтишича қараганда, лимонзор боғлар бундан буён яна кенгаяверади. Чунончи, шу йилдан бошлаб 50 гектарлик майдон кўчат экишга тайёрланмоқда. Бу улкан иш 1984 йилда тугалланади. 1985 йилдан бошлаб хўжаликда ҳар йили 15—20 миллион донадан мева етиштирилади.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, у бошчилик қилаётган хўжаликнинг истиқболи яна ҳам порлоқ.

Суҳбатимиз охирида Зайниддин ака яқинда чоп этилган ўзининг янги китобини ҳадя қилди. Кўп йиллик меҳнатининг самаралари тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилинган бу китобга «Оддий мўъжиза» деб ном берибди. Агар таъбир жоиз бўлса, бу асарнинг номини «Чинакам, ажойиб мўъжиза» деб атаса ғоят мақбул бўлур эди. Чунки боғбон яратган гўзал ва серҳосил боғлар чинакам мўъжизадир.

Зайниддин Фахриддиновнинг ўсимликлар оламидаги ижодий ишлари давом этмоқда. Унинг жуда кўп шогирдлари, издошлари бор. Улар серқуёш диёримизнинг ҳамма ерида, Иттифоқимизнинг турли бурчакларида унинг ишини маҳаллий шароитга татбиқ этиб, қизғин иш олиб бормоқдалар.

Ижодкор деҳқон, ақли расо агроном Зайниддин ака ўз меҳнати билан республикамизда танилди. Субтропик мевалар етиштиришда тамоман янги мактаб яратди. Унинг тажрибалари ҳамма ерда қунт ва ҳавас билан қўлланилмоқда ва ўрганилмоқда.

Асл деҳқон фарзанди бунёд этган мўъжизакор боғлар янада кўпайиб, уларнинг ҳосили серқуёш ўлкамизнинг анвойи меваларидан қаторидан мустаҳкам ўрин олмоқда.

Я. ТУХТАЕВ.

Суратда: Зайниддин Фахриддинов (чапдан иккинчи) ўз шогирдлари — ўғиллари Шамсиддин, Арофиддин ва Евмиддин Фахриддиновлар билан пишиб етилган лимонларни кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ЛЕНИН БОБОМ БАРҲАЁТ

Юртим тенги йўқ обод,
Гўзал, фаровон ҳаёт.
Демак, биз билан барга,
Ленин бобом барҳаёт.
Ҳар кимсанинг дили шод,
Қайгуси йўқ умрбод.
Демак биз билан бирга,
Ленин бобом барҳаёт.
Нимани қилдик мурод,
Ҳаммаси бўлди бунёд.
Демак биз билан бирга,
Ленин бобом барҳаёт.
Бизга партия устод,
Ҳар мушкулимиз кушод,
Демак, биз билан бирга,
Ленин бобом барҳаёт.

Шоҳид ТОҲИРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Мангу даъват. Бадиий фильм 6-серия. 15.45 — Ҳаётга йўлланма туркумидан 16.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.30 — Бугун—Аэрофлот куни 17.45 — Хатларингиз асосида. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Варшава Большой театрининг спектакли. 19.55 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигҳида. 20.05 — Омадли жентльменлар. Бадиий фильм 21.30 — Время. 22.05 — Композитор Д. Б. Кабалевский туғилган кунининг 75 йиллиги 23.15 — Ҳужжатли фильмлар. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг концерти. 11.35 — Кинопрограмма. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Шахмат мактаби. 13.40 — Тўйдан сўнг. 14.10 — Бугун — Аэрофлот куни. 14.30 — Бор экан-да, йўқ экан. Бадиий фильм. 15.55 — Реклама ва эълонлар. 18.20 Мультфильм. 18.40 — Фонарик. 19.10 — Ҳужжатли фильм 19.30 — Ахборот. 19.45 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Лия Аҳеджанова студиямиз меҳмони.

ҚИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.05 — Фрунзе кўрсатувлари.

11 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар иҳоди. 10.35 — Эркакча гап. Бадиий фильм. 12.05 — Концерт. 12.30 — Ҳужжатли фильмлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20— Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Балет сюитаси. дан парчалар. 16.20 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 17.20 — Онамларнинг мактаби. 17.50 — Польша бўйлаб. 18.40 — Беш йиллик. Якуновчи йил. 19.10 — Совет композиторларининг қўшиқлари. 19.30 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.15 — Волейбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — Автомобилист (Ленинград). 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — 23.40 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

17.55 — Мультфильм. 18.10 — Жонажон ўлка. 18.40 — Ешлик. 19.15 — Сара уруг — ҳосил бўлиқ. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Опера солистлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ғазал оқшоми. 21.30 — Время. 22.15— «Сатурн» пайидан. Бадиий фильм. 23.35 — Бугун оламда нима гап.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Қизиқарли математика. 20.55 — Врач маслаҳатлари. 21.10 — Олий математика. 22.10 — Бу қишлоқ Қабристон.

РАДИО

10 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 —Янги ёзувлар. 9.15 — Табассум. 10.45—Т. Ражабов рубобда чалади. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишда ҳам баҳордагидек. 15.40 — Л. Н. Толстой. Тирик мурда. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг монтажи. 18.15 — Ешлик. 19.30 — Спорт программаси. 20.25 — Қўшиқлардан қўшиқларга. 21.00 — Табассум. 22.23 — Лазги. 23.20 — Дам олиш концерти.

11 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Совет турмуш тарзи. 9.30 — СССР халқ артисти Тамарахоним ижросида қўшиқлар. 10.15 Ёзувчилар микрофон олдида. 10.40 — Ленинома программаси. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Фан чорвадорлар хизматида. 13.30 — Эстрада оркестрлари чалади. 14.00 — Янги районлар истиқболи. 18.15 — Халқ ишончи. 18.50 — Ешлик. 20.25 — Экран куйлари. 21.00 — Маданият ва адабиёт ёдгорликлари. 22.28 — С. Зуннунова шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

АХБОРОТ

БУХОРО

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Кейинги йилларда Бухоро шаҳри қиёфаси тез суръатлар билан ўзгариб бораяпти. Қисқа муддат ичида «Тўқимачилар шаҳарчаси», «Шимолий» ва «Шарқ» микрорайонлари барпо этилди. Кўплаб гўзал ва шинам уй-жойлар, кинотеатрлар, жамоатчилик ва савдо марказлари, клублар, маиший муассасалар ва бошқа маданий, маъмурий объектлар қурилиб, ишга туширилди. Бунда айниқса Бухоро уй-жой қурилиши комбинати коллективининг муносиб ҳиссаси бор.

Комбинатнинг қўли гул бунёдкорлари фақат ўтган йилнинг ўзида 7 миллион 770 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Ўниничи беш йилликнинг тўртинчи йилида 800 оила барча қулайликларга эга бўлган замонавий янги уйларга кўчиб ўтди.

Комбинат коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ уй-жой ва бошқа биноларни қуришга аҳд қилди. 1980 йилда 1000 оила янги уйларда ҳовли тўйларини ўтказади, ўнга яқин маданий-маиший объектлар қурилиб, меҳнаткашлар ихтиёрига топширилади. Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллик юбилейи муносабати билан барпо этилаётган биноларнинг ҳаммаси қўлдан чиқарилди. Қутлуғ сана шарафига 75 минг квадрат метрга яқин йирик панелли уй-жой тайёрлаб берилади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПОСЁЛКА

Энгельс номли колхоз фақат Ғиждувон районида эмас, балки Бухоро областида ҳам энг йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжалик йилига давлатга 13—14 минг тонна «оқ олтин» етказиб беради. Колхознинг барча тармоқлари фойда келтиради. Колхозда қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, хуторлар ўрнида шаҳарсифат посёлкалар қуриш масаласига доимо эътибор бериб келинаётир. Колхознинг мавжуд посёлкаси бундан икки йил муқаддам Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланган.

Колхозчиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида колхоз правленияси область, республика мутасадди ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, Коммунизм номи билан аталадиган янги замонавий ва миллий архитектура ютуқлари асосида қуриладиган экспериментал посёлкага буюртма берди. Москвалик лойиҳачилар посёлка чизмасини ва сметасини тузиб чиқишди. Орадан кўп ўтмай қурилиш бошлаб юборилди.

Посёлканинг умумий майдони 98 гектарни қамрайди. Унинг биринчи навбати 1985 йилда қуриб битказилади. Посёлка тўла қуриб бўлингач колхознинг 3 минг аҳолиси икки қаватли уй-жой биноларига кўчиб ўтишади. Посёлкани «Облколхозстрой» трестининг махсус 91-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи қурмоқда. Биноларнинг ҳозир 1176 ўрнини ўрта мактаб биносини тиклашяпти. Бундан ташқари 36 ўринли меҳмонхона, икки қаватли ресторан, 160 ўринли боғча-ясли, алока уйи, спорт комплекси, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший объектлар ўрин олади.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ФУТБОЛ-80»

СПОРТ

МАВСУМ РЕЖАЛАРИ

СССР Спорт комитети мамлакат биринчилиги ҳамда СССР кубоги учун 1980 йилда ўтказиладиган мусобақалар тартибини тасдиқлади. Ўтган йилдагидек олий лигада чемпионлик унвони учун кураш икки даврада ўтказилади. Энг кучли 18 коллектив орасида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳам иштирок этади.

Биринчи лигада 24 команда қатнашади. Улар орасида олий лигада ўйнаб тажриба орттирган «Заря», «Крылья Советов» клублари қаторида ўтган йили иккинчи лига зоналарида ғолиб келган коллективлар ҳам қатнашади. Бу лигада Жиззахнинг «Бўстон» коллективи Ўзбекистон спортини ҳимоя қилади.

Олий лигада дастлабки учрашувлар 3 апрелда, биринчи лигада эса 31 мартда бўлиб ўтади. Дурангларг миқдори ўзгартирилди: бу йилги мавсумда олий лига учун дурангларг миқдори ўнта, биринчи лига учун эса 12 та қилиб белгиланди.

Иккинчи лига командаларининг мусобақаси тўққиз зонада ўтказилади.

СССР кубоги учун мусобақалар икки босқичда ўтказилади. Бунинг учун саккиз зона командаларининг рўйхати тасдиқланди. Саккизинчи зона ўйинлари Фарғонада ўтказилади. Бунда Тошкент пахтакорчилари, Павлодарнинг «Трактор», Ставрополнинг «Динамо», Фрунзенинг «Олга», Жиззахнинг «Бўстон» командалари беллашадилар. Кубок ўйинларига старт 25 февралда Самарқандда берилади. Қолган учрашувлар 27 февралда бошланиб, 10 мартда тугайди. Етти зонадаги учрашувларда дастлабки икки ўрнини эгаллаган футбол коллективлари 1/8 финал учрашувида кураши давом эттириш ҳуқуқини оладилар. Саккизинчи зонада эса ғолиб чиққан команда ана шундай ҳуқуққа эга бўлади. Москванинг «Динамо» коллективи зоналардаги учрашувлардан озод этилди. Динамочилар СССР кубогининг дастлабки учрашувлари ўтказилаётган муддатларда Европа кубок эгалари кубоги соврини мусобақаларида қатнашишлари туфайли 1/8 финалдан бошлаб иштирок этадилар.

СУВ ПОЛОСИ:

МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Москва ва Минск сув ҳавзаларида СССР биринчилиги учун олий лига командаларининг мусобақаси бошланди. Минск группасида Тошкентнинг «Меҳнат» спортчилари қатнашишмоқда. Тошкентликлар дастлабки учрашувни Киевнинг «Динамо» спортчилари билан ўтказиб, бир очко олдилар (ҳисоб 7:7).

ФАН=ТЕХНИКА ютуқлари

«ТУФОНЛАР ИЛИ»НИНГ МОДЕЛИ

СССР Фанлар академияси Узоқ Шарқ илмий маркази Тинч океан океонология институтининг олимлари ишлаб чиққан математик моделлар планетамиздаги ҳозирча сирли бўлган ғоят катта Куросио оқимини прогноз қилиш йўлини очди.

Куросионинг айрим оқимлари ўзининг кенгликдаги ҳолатини доимо ўзгартириб турар экан. Бу оқимлар турли қувватдаги ва тезликдаги кўпдан-кўп шохобчаларини, чуқурликларда йўқ бўлиб кетиб яна сув юзасида пайдо бўладиган гирдобларини ҳосил қилади. Денгизчилар Куросио деб аталувчи ана шу «тўфонлар йўли»ни тадқиқ этиш давомида бу йўл — иссиқ тропик сувларнинг юксак кенгликларга кириб борадиган асосий канал эканлиги тўғрисидаги тахмин тасдиқланди.

Эндиликда Куросио тарқалишининг кўпгина қонуниятлари аниқланибгина қолмай, шу билан бирга жуда кенг океан акваториясидаги об-ҳаво, иқлим шароитлари ва биологик шароитларни кўп жиҳатдан белгилаб берувчи қудратли сув оқимининг хатти-ҳаракатини прогноз қилиш имконияти ҳам олинди.

Б. КУЗИН,
ТАСС мухбири.
Владивосток.

ЛАЗЕР МЕТЕОРЛАРНИ КУЗАТМОҚДА

Украина ва Туркманистон олимлари 60—80 километр баландликда чанг заррачаларининг катта қатламини қайд этишга муваффақ бўлдилар. Тадқиқотлар Харьков радиоэлектроника институтида яратилган лазер установкаси ёрдамида Ашхобод яқинидаги тоғларда ўтказилди.

Декабрь ойидаги метеор оқими ана шундай аэрозол булути вужудга келишига сабаб бўлган. Ана шу метеор планетамиз яқинидан учиб ўтаётганида ҳаво қатламида ўз моддасининг бир қисмини сочиб кетган. Мутахассисларнинг фикрича, метеорларнинг бошқа маълум оқимларига яқинлашиш вақтида ҳам атмосферанинг ана шундай хиралашуви кузатилиши керак.

— Олимларни аэрозолларнинг қуёш нури оқимини сусайтириш қобилияти қизиқтириб қолди. Метеор булутлар ернинг иссиқлик нурланишини тўсиб қолиб иқлимга таъсир қилиши мумкин, — дейди иш раҳбари Н. Лагутин. — Бундан буён Туркманистон Фанлар академиясининг обсерваториясида мунтазам суратда ўтказиб туриладиган кузатишлар метеорит чангининг ердан кўтарилган аэрозоллар билан бир қаторда атмосферани хиралаштиришдаги ролига баҳо беришда ёрдам қилади. Ана шу жараёнларнинг аниқ модели планетамизда иқлим ўзгаришларини прогноз қилиш имконини беради.

В. ГАТАШ.
ТАСС мухбири.
Харьков.

«ҒАЛАБА» БОҒИ

Бойсун районида марказида 8 гектар майдонни эгаллаб ётган Кўктепа массивида янги маданият ва истироҳат боғи барпо этилянти. Боғ марказидаги «қуйловчи» фаввора атрофи қизил гранит тошлар билан ўралиб, гулзорга айлантирилди. Қисқа вақт ичида ёзги эстрада-рақс майдончаси, биллиард, тир хоналари қуриб битказилди. Узунлиги 60, эни 26 метрли чўмилиш ҳовузи қўлдан чиқарилди. Кичкинтойлар учун майдонча барпо этилиб, дам олиш учун барча қулайликлар яратилди. Ороғмоҳни район марказининг аҳолиси ҳашар йўли билан бунёд этмоқда. Уларнинг иштирокида ёзги кинотеатр масканига «Ғалаба» номи берилди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра ўқитувчилари: чет тиллари, рус тили;

кафедра ассистентлари; химия, озиқ-овқат моллари товаршунослиги.

Конкурс муддати — 27 февралгача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 703000, Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/II да **Золушка** (12.00), **Риголетто** (19.00), 12/II да **Тоҳир ва Зуҳра.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/II да **Истеҳқом** (12.00), **Шошма, қуёш** (19.30). 12/II да **Томоша давом этади.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/II да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (16.00, 19.30). 11/II да **Ҳижрон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/II да **Қапалаклар ўйини** (12.00), 11/II да **Биринчи бўса** (19.00), 12/II да **Беш кунлик кўёв** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. «УРГАТИЛГАН БУҒМА ИЛОН ВА ТИМСОҲЛАР»** аттракционининг гастроллари (12, 16, 19.30).

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг коллективи Ўзбекистон Журналистлар союзи правленисининг секретари, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори

Аҳмад ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг коллективи «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори

Аҳмад ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-55-35, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-54. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01787. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 34. 3